



Аёл киши – эркаларга Аллоҳнинг омонати. Уни ҳар бир ота, эр, фарзанд қадрлаши лозим. Динимиз аҳкомларида шундай қилиши буюрилган.

Эркаларга фитратига мос вазифаларни юклаган Аллоҳ таоло аёллар учун ҳам ўзига

Дақиқроқ тушунтирадиган бўлсак, аёл агар солиҳа бўла олса, ҳар бир амалининг мукофотини Аллоҳдан кутади ва савобли амалларида бардавом бўлади. Бироқ кимнингдир “яхши” деган сўзини эшитиш учун бу ишни қилса, бир кун келиб,

шам каби орзу-ҳавасларда кўрмоқда. Бир қанотли қуш уча олмаганидек, саодатни фақат моддиятда кўрадиганлар солиҳа аёлликни камолига етказолмайди. Лекин ибодатларини ўз вақтида адо этувчи аёл, оила, одоб-ахлоқ, фарзандлар

Аёлнинг бирлашти вазифаси

хос масъулиятларни белгилаб қўйган.

Мазкур масъулиятларни ўз ўрнида адо этган аёл чинакам мўмина, солиҳа, орифа мақомларига эга бўлади. Ҳар бир муслима, аввало, солиҳа аёл бўлишни мақсад қилиб, шунга кўра ҳаракатларини белгилаши лозим.

Солиҳалик – ҳаётни гўзаллаштирадиган сифат. Яқинда бир аёл билан суҳбатлашиб қолдим. У ҳаёт ташвишлари билан ўралашиб, “солиҳа аёл бўлиш” йўлини тарк этибди. Кўпинча аёллар амал қилиши лозим бўлган низом билан эмас, биринчи ўринга чиқиб қолган туйғулар билан ҳаракат қилади.

Аммо бизнинг аёлларимизда такрорланадиган хатолардан бири шуки, келин бўлганларидан сўнг солиҳа хотин, солиҳа она бўлишни гўёки унутиб қўйишади. Аёлларга Аллоҳ амр этган буйруқлар бир четда қолиб кетади...

бу ҳаракатларидан зерикади.

Аёл нега барча фазилатларни четлаб, ўз олдида қўйилган юксак ухровий мақсадларга эришишда хотинлик, оналик шарафидан фойдалана олмаяпти?

Чунки у бахтни фақат яхши еб-ичиш, кийиниш, тўй-ҳа-

тарбиясига ҳам динимиз буюрганидек ёндашиб, уддалай олса, олий мақсадига эришади, албатта. Зеро, дунё матоҳининг ҳаммаси бир синов, бизни асл мақсадимиздан чалғитади. Қуръони каримда ҳам барча мўминлар огоҳлантирилади:

“Билиб қўйингизки, албатта, мол-мулкларингиз ва фарзандларингиз фитна (гуноҳ, азоб ва машаққат манбаи)дир. Аллоҳнинг ҳузурида (эса) улкан мукофот (бордир)” (Анфол сураси, 28-оят).

Аёл ҳар қандай вазиятда ҳам ана шу огоҳлантиришни унутмаслиги лозим. Зеро, Аллоҳ таоло каломида: **“Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим” (Зориёт сураси, 56-оят),** деган.

Дилноза ШОДМОНОВА,
Самарқанд вилояти
Нарпай тумани
“Наврўз” маҳалласи
отинойиси



Аллоҳ Ўзига яқин қилсин

“Ҳузн, қайғу мўминни тарбиялайди, уни дуо қилишга ўргатади ва одамлардан ёлғизланиб, Раббисига яқин, унс-улфат бўлишга ундайди”.

(Имом Рофиъий)

Изоҳ: Ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоху алайҳи ва саллам ғам-ташвиш пайтида *“Лаа илааҳа иллаллохул*

Азиймул Ҳалийм. Лаа илааҳа иллаллоху Роббус-самааваати вал ард, Роббул Аршил азийм”, деб дуо қилар эдилар» (Имом Бухорий, Имом Муслим ва Имом Аҳмад ривояти).

Маъноси: “Азим, Ҳалим Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Еру осмонларнинг Рабби, буюк Аршининг Рабби Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ”.

Мундарижа

Аёлнинг бирламчи вазифаси.....	1
Қизларни “овлайдиган” бузғунчилар бор...	3
Эркаклар оилада раҳбардирлар.....	4
Яхшилиқни гапирсин ёки жим турсин...	5
Қиз тарбиялаганга улуғ башорат бор.....	6
Ҳавойи нафс истаклари ҳалокатга бошлайди	7
Раббимнинг фазлидир бу...	8
Хотиннинг катта хатоси.....	9
Бир гуноҳнинг олти зарари.....	10
Сув каби бўлинг!..	11
Никоҳдан кейинги ҳаёт	12
Ҳомиладорлик, идда ва закотга доир ҳукмлар.....	14
Болангиз нима кўрмоқда?!.....	16
Нажоший ўқиган никоҳ	17
Эй қизим!.....	18
Соҳиби узр ва мустаҳоза.....	19
Разилликларнинг “она”си	20
Узр сўрашни биласизми?	21
Саломимиз гўзал бўлсин!.....	22
Муаллимнинг тадбири	23
Дуолар кўрғони.....	24
”Соҳилсиз денгиз”ни ўқиб... ..	26
Бир ҳовуч ёнғоқ.....	27
Ҳар куни қандай савоб топасиз?.....	29
Яздажирнинг қизлари.....	30
Бойлар кўп китоб ўқийди... ..	31
99 дарднинг шифоси.....	32



Қизларни “овлайдиган” бузувчилар бор...

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам ҳаётлик даврларида саҳобалар у зотга мурожаат қилар ва билмаганларини сўраб олар эдилар.

У зотдан кейин кичик саҳобалар катта саҳобаларга мурожаат қилар ва билмаганларини сўраб олар эдилар. Улар ораларида ихтилоф содир бўлганда катта саҳобалар томонидан масалага ечим бериларди.

Тобеин ва табаа тобеинларда, яъни саҳобалардан кейинги даврларда Ислом аҳли етук уламоларга мурожаат қилар, билмаганларини улардан сўрашарди. Урва ибн Зубайр, Саид ибн Мусаййаб, Ато ибн Абу Рабоҳ, Муҳаммад ибн Сийрин, Ҳасан Басрий, Суфён Саврий, Абу Ҳанифа, Молик ибн Анас кабилар шулар жумласидан.

Демак, бугун ҳам бирор масалада ихтилоф пайдо бўлса, албатта, аҳли илмлар, юртимиз уламоларидан сўраш лозим. Аммо айрим ёшлар етук уламоларга эмас, балки устоз даражасига ҳам етмаган ёки илм ўқиса ҳам, ақидаси ўнганмаган кимсаларга мурожаат этиб, алданиб қолишяпти.

Хавотирлиси, баъзи ғўр хотин-қизлар ҳам ўз юртларида асрлар давомида амал қилиб келинган мазҳабларни тарк этиб, мутаассиблик билан хориждаги “Содиқ Самарқандий”, “Абдуллоҳ Зуфар”, “Юсуф

Даврон”, “Аҳлиддин Новқатий”, “Маҳмуд Абдулмўмин”, “Абу Муовия”, “Абу Салоҳ” каби номлар остига яширинган сохта даъватчиларга ишониб, ўз эътиқоди, жони, моли ва шаънини хатарга қўймоқдалар.

Бу нобакор кимсалар турли услублар билан аёлларни ҳам ўз домига тортишмоқда. Уларнинг аёллардан бўлган малайлари ҳам қизларни “овлашда” уста бўлиб кетишган. Ижтимоий тармоқлар ва интернет сайтлари орқали дастлаб “Муаллими соний”дан дарс берамиз, деб қизларнинг ишончига киргач, ўзларининг рисолаларини ўқита бошлайдилар. Улар ғўр қизларни тузоққа илдиришда тап тортмай ёлғон гапирарди, ғийбат-бўхтонни қалаштиради, ҳатто сеҳр-жоду каби куфр амалларни қилишдан ҳам тоймайди. Ҳолбуки, “жиҳод” қиламан, деб хорижга боргач, бу қизларнинг аҳволи қандай аянчли бўлишини жуда яхши билишади.

Шундай экан, фарзанд тарбиясига, уларнинг юриш-туришига бефарқ бўлмайлик. Ким фарзандида салбий ўзгаришни сесса, шубҳали шахсларнинг маърузаларини тинглаётганига гувоҳ бўлса, фурсат борида расмий имом-домалар олдига олиб бориб, ёш авлодга оқу қорани танитсин.

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: **«Йўқса, у кечалари ибодат қилиб,**

сажда этган, бедор ҳолида охиратдан қўрқиб, Рабби раҳматидан умидвор бўлган одамга тенгми?! Сен: “Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлармиди?!” деб айт. Албатта, ақл эгаларигина эсларлар» (Зумар сураси, 9-оят).

Аллоҳ таоло илм аҳллари улуғлаб, даражаларини юксалтириб, билмаганларимизни биладиган олимлардан сўрашга буюрган.

Ихтилоф қилиш динимизга зарар келтиради, фитна уйғотади, бизни заифлаштиради, қалбларимизни хира қилади.

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам бундай марҳамат қиладилар: **“Агар ихтилофларни кўрсангиз, ўзингизга кўпчилик томонини лозим тутинг”** (Имом Ибн Можа ривояти).

Дарҳақиқат, тўрт мазҳаб эгалари, аҳли сунна вал жамоа йўлидагилар жуда кўпчиликни ташкил этади. Демак, биз кўпчилик томонидамиз.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам даъватларига биноан тўғри йўлда бардавом бўлишни Яратган Раббимиз барчага насиб этсин!

Жобир ЭЛОВ,
Бухоро вилояти
бош имом-хатиби

Аллоҳ таоло бундай дейди:

وَمِنْ آيَاتِهِ أَنْ خَلَقَ لَكُمْ مِنْ أَنْفُسِكُمْ أَزْوَاجًا لِتَسْكُنُوا إِلَيْهَا وَجَعَلَ بَيْنَكُمْ مَوَدَّةً وَرَحْمَةً إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِقَوْمٍ يَعْقِلُونَ

“Сизларга сокинлик топишингиз учун ўзингиздан жуфтлар яратгани, ораларингизда меҳру муҳаббат

қавмлар учун оят (белги)лар бордир” (Рум сураси, 21-оят).

Аллоҳ таоло жуфтларимизни ўзимиздан яратиб, буни бизга оят-белги қилди ва айни шу жиҳатни эътиборга олиб, эрларни аёлларга одоб-ахлоқ берувчи дея тайин этди. Бунда эр-хотин ўртасидаги меҳр-муҳаббат ва марҳаматга риоя қилиш бор.

Эр-хотин ўртасидаги низоли вазиятларни ҳакамга олиб

тилмаган. Чунки бир тўшақда ётиш иккисининг ҳам бир-биридаги ҳаққи ҳисобланади. Эр ётоғини тарк қилишида аёлга нима зарар бўлса, хотин ётоғини тарк қилишида ҳам эрга ўшандай зарар бор. Демак, эр ўзи зиён ва зарар кўрадиган нарса билан аёлига азият бермайди. Иккинчиси, ётоқларида ҳижрон қилинглари, яъни айри-айри жойда ётинглари. Ўзаро келишиб, сизга аёлингиз итоатли

ЭРКАКЛАР ОИЛАДА РАҲБАРДИРЛАР

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.)

чиқиш ўртадаги меҳр-муҳаббатнинг узилишига олиб боради. Демак, илоҳий ҳукмга биноан эрнинг ўз хотинига одоб беришида ўртадаги риштанинг давомийлиги кўзланган.

“... ва молларидан сарфлаганлари учун эркаклар аёлларга раҳбардирлар”. Яъни эр аёлига маҳрини ва нафақасини бергани сабабли унинг устидан раҳбардир.

“...ётоқларида ҳижрон қилинг”. Бу оят икки хил талқинни юзага келтиради: биринчиси, ўринга ётишда эр аёли билан гаплашмай, ўз ҳолига ташлаб қўйиши назарда тутилган. Бунда эр аёли билан ётадиган тўшагини тарк этиши назарда ту-

бўлганда уларнинг ётоқдаги ҳақларига риоя қилинг ва Аллоҳ таолонинг ҳадларини сақланг.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: “Ҳижрон қилишда эр аёлига яқинлик қилмай, тўшақда бирга ётмай, унга орқа ўгиради”. Бунда икки томон ҳам тарбияланади. Чунки эр бу билан ўзининг нафсини тарбиялайди.

“Агар итоат қилсалар, уларга қарши бошқа йўл ахтарманг”. Аёлларингиз сизларга итоат қилишса, яна ундан бошқа айбларни топиб юрманг.

Бошқа ҳадиси шарифда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Аёллар бора-

ва марҳаматни солиб қўйгани Унинг оят (белги)ларидандир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган

сида Аллоҳга тақво қилинг! Чунки сизлар уларни Аллоҳ таолонинг омонати билан олиб, Аллоҳ таолонинг каломи билан уларнинг фаржларини ўзингизга ҳалоллагансизлар. Уларнинг зиммасидаги сизларнинг ҳаққингиз ёмон кўрган бирор киши остонангизни босишига йўл қўймаслигидир. Сизларнинг зиммангизда меъёрида аёлларингизнинг ризқи, кийими (ни бериш) бордир”, дедилар.

“Албатта, Аллоҳ олийдир, улуғдир”. Бу бандаларга Аллоҳ таолонинг эслатмасидир. Бунда Аллоҳ таолонинг олийлиги, султонлиги, азамати, жалоли, қудрати буюк бўлгани боис бандаларининг илк исёнида ёки гуноҳ қилиб қоқилиши билан жавобгарликка тортмайди, деган маънога далолат бордир. Ҳолбуки, Аллоҳ таоло бандасини илк маъсиятида бўғзидан олишга ёки ҳалок қилишга қодир. Эй бандалар! Сизлар ҳам кишининг қилган бир хатоси туфайли уни кўксидан, бўғзидан олманглар. Валлоҳу аълам!

Мазкур жумлани ушбу оятда келтиришида “Ўзининг олийлигини, мутакаббир Зотлилигини бандаларига эслатиб қўйиш ва эр аёлига одоб бераётганда Аллоҳ таолонинг ҳаддига риоя қилиши, бандаси устидаги Ўз қудратини эслатиши” каби маънолар ирода қилинган.

Имом Мотуридийнинг
“Таъвилотул Қуръон”

асаридан
Абдулатиф АЛЛОҚУЛОВ
таржимаси

Яхшиликни гапирсин ёки жим турсин...

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар алайҳиссалом бундай деганлар: **“Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, яхши гап гапирсин ёки жим турсин!”** (Муттафақун алайҳ.)

Баъзан ўзимиз билмаган ҳолда бир гап айтиб, кимнингдир ҳаётида туб бурилиш яшамиз мумкин. Ёки кўнглини вайрон қилиб, касал бўлиши сабабчисига айланиш ҳеч гап эмас.

Ҳаётини мисолларга эътибор қаратсак, бунинг исботини кўраемиз. Икки йигит суҳбатлашяпти:

- Қаерда ишлайсан?
- Фалон жойда.
- Ойлигинг қанча?
- 1 млн 800 минг.
- Оз-ку! Бу маблағга қандай кун кечирасан?

Бу гапни эшитиб, йигит маошини кўтаришларини сўраб шикоят қилди. Бошлиғи бош тортди. Ишдан бўшади. Иши, оз бўлса ҳам, пули бор эди. Энди бутунлай ишсиз қолди.

Бир отахон ёлғиз яшарди. Ундан сўрашди:

- Ўғлингиз сизни кўришга тез-тез келиб турадими?
- Унинг иши кўп.
- Сиз учун ҳам вақти йўқлигига ишонасизми?

Ота фарзандидан олдин рози эди. Энди ундан гина қила бошлади. Кўнглидаги хотиржамлик кетди...

Бундай “бузғунчи” саволлар ҳаммамизга берилиши мумкин. Ёки кўни-қўшнилари билан суҳбатда ҳар кун, ҳар доим эштамиз, айтаемиз. Аммо бу гаплар у одамга қандай таъсир қилиши ҳаёлимизга ҳам келмайди. Оддий сўз билан бир инсоннинг ҳаётини барбод қилиб, гуноҳга ботишдан хушёр бўлайлик, азизлар!



Сочларига оқ оралаб, пешонасига ажин тушган бир киши ора-сира масжидга келиб, жамоатдан дуо сўрарди: “Фарзанд талабидаман, жамоат билан дуо қилсангизлар...”

Бир куни шу одам: “Домла, фарзанд сўраб қилинадиган дуолар борми? Менга ўргатинг”, деб қолди. Мен унга оятларда келган дуоларни, уларнинг маъноларини ўргатиб, дуо қилиш одоблари ва Аллоҳдан умидни узмаслик ҳақида билганимча тушунтирдим.

Бир йилча ўтиб, ҳалиги одам қўлида чақалоқ билан кўзлари севинчга тўлиб кириб келди: “Домла, Аллоҳ менга фарзанд

азон айтиб, хайрли дуолар қиласиз деб чақалоқни тўғри олдингизга олиб келавердим.

Фаолиятим давомида кўп оталарни кўрганман, лекин қизли бўлиб бунчалик севинган отани ҳали учратмагандим. У ҳамма оталардан кўра бахтлироқ эди. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Кимнинг ҳузурида бир қиз бўлсаю уни тириклай кўмиб юбормаган, таҳқирламаган ва ўғлини ундан устун қўймаган бўлса, Аллоҳ уни жаннатга киритади”*, дедилар (Имом Абу Довуд ривояти).

нини айблайдиган қайноналар учраб туради. Наҳот улар фарзанднинг ўғил ё қиз бўлиши бандасининг қўлида эмаслигини тушуниб етишмаса?! Ахир Қуръони каримда: **«Осмонлару Ернинг подшоҳлиги Аллоҳникидир. У Зот хоҳлаган нарсасини яратур. У Зот хоҳлаган кишисига қизлар ҳадя этур ва хоҳлаган кишисига ўғиллар ҳадя этур. Ёки уларни жуфтлаб – ўғил-қиз қилиб берур ва хоҳлаган кишисини туғмас қилур. Албатта, У ўта билувчидир, ўта қудратлидир»**, деб марҳамат қилмаганми?! (Шўро сураси, 49–50-оятлар.)

Албатта, қиз болани иймон-эътиқодли, тақволи ва солиҳа қилиб тарбиялаш осон иш эмас. Бу ота-онадан катта масъулият ва эътибор талаб этади. Агар бунинг уддасидан чиқса, унга Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан улуғ башорат бор: **“Қизларни тарбиялаш билан имтиҳон қилинган кишига ўша қизлари жаҳаннамдан парда бўлади”** (Муттафақун алайҳ).

Яна икки йил ўтиб, ҳалиги инсоннинг оиласида хурсандчилик бўлди: Аллоҳ унга икки ўғил ҳадя этди. Неъматларга шукр қилган эди, Аллоҳ яна зиёда қилди.

Бу воқеа хотини қиз туққанида ғазабланиб, уни ота-онасиникига жўнатиб юборадиганлар учун улкан ибратдир.

Абдурахмон АСҚАРОВ,
Тошкент шаҳридаги
“Катта Қозиработ”
жоме масжиди
имом-хатиби

Қиз тарбиялаганга улуғ башорат бор



берди! Қизли бўлдим!...” деди. Унинг хурсандчилигидан биз ҳам қувондик.

– Аллоҳга шукр! Бунга сизнинг дуо ва маслаҳатларингиз туфайли эришдик. Қулоғига

Аллоҳ таолонинг ҳузурида қиз боланинг қадри улуғ. Афсус, буни кўпчилигимиз англаб етмаймиз. Орамизда қиз фарзанд кўрганидан хафа бўладиган оталар, кели-



Ҳавойи нафс истаклари ҳалокатга бошлайди

Ортиқча орзу-ҳавасга берилиб, исроф ва риё қилишнинг зарари Абдулла Қодирийнинг ўтган асрда ёзилган “Бахтсиз куёв” драмасида келтирилади. Унда айнан тўйдаги дабдаба сабаб Солиҳ ва Раҳиманинг оилавий ҳаёти ўлим билан тугайди: “Мендан шариатдан ташқари оқча олиб, қарздор қилди ва ёш умримизни хазон этди. Сенинг ва менинг бевақт ўлумимизга исроф сабаб бўлди”.

Қуръони каримда: **“Яна молларини хўжақўрсинга эҳсон қиладиган, ўзлари Аллоҳга ҳам, охират кунига ҳам ишонмайдиган кимсаларни ҳам (Аллоҳ севмайди)”** (Нисо сураси, 38-оят), дейилади. Айримлар обрўсини ошириш, эътироф этилиш учун дабдабага, риёга берилади. Маросимларда бу ҳолат яққол кўзга ташланади. Баъзилар бошқаларнинг шароитини ҳисобга олмайди...

Дабдабазлик, риё, топган молини кўз-кўзлаш исрофгарчиликка олиб келади. Исрофгарчилик эса динимизда қаттиқ қораланади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Сени икки хислат – фахрланиш ва исрофгарчилик ха-**

тога бошламаса, хоҳлаганингни еб, хоҳлаганингни ичавер”, деганлар (Имом Бухорий ривояти).

Ортиқча ҳашаматни, дабдабани яхши кўриш кўпроқ аёлларга хос. Афсус, баъзи аёлларнинг хоҳиши сабаб оилалар бузилиб кетмоқда. Қиз томон сарпони, буюмларни яхши қилмаётганини айтади, қайнона норози. Фақат қайноналар эмас, “Келинингиз нима сарпо қилиб келди?” ёки “Қандай инсонлар қизини бермасди-я, олиб келган нарсасини қаранг!” дегувчи бошқалар ҳам парокандаликка сабабчи бўлишмоқда. Масала ажримга етсагина, маҳалла мутасаддилари бу муаммони ҳал қилишга киришади. Эҳтимол, бугун қудалар ўртасида олди-берди масалалари камайгандир. Бироқ ҳали-ҳануз дабдабага ўчлар оз эмас.

Такосур сурасининг 8-оятида: **“Сўнгра ана ўша Кунда, албатта, (сизларга ато этилган барча) неъматлар тўғрисида сўроқ қилинурсизлар!”** дейи-

лади. Буни яхши англаган мўмин-мусулмонлар эҳсонни канда қилмай, топган даромадидан муҳтожларнинг ўзига билдирмай қўмак беришяпти. Қўли калта қариндошини умра зиёратига юборган, масжидлар қуриб, оғир беморларнинг қиммат дориларини тўлаб келаётганлар ҳақида эшитамиз. Яна шундайлар борки, ўзидаги риёни кетказиш учун одамларга билдирмай таҳоратхоналарни тозалашади.

Одам мол-дунёси билан эмас, амаллари билангина эсланади. Шундай экан, қилган ишларимиз гўзал бўлсин! Нафсимизнинг пуч орзу-ҳаваслари бизни ҳалокатга олиб бормасин!

Камола АБДУМАЛИК
қизи



Раббимнинг фазлидир бу...

عن ابن عباس رضي الله عنهما، عن رسول الله صلى الله عليه وسلم فيما يرويه عن ربه تبارك وتعالى قال: «إن الله كتب الحسنات والسيئات ثم بين ذلك، فمن همَّ بحسنة فلم يعملها كتبها الله عنده حسنة كاملة، وإن همَّ بها فعملها كتبها الله عنده عشر حسنات إلى سبعمائة ضعف، إلى أضعاف كثيرة، وإن همَّ بسيئة فلم يعملها كتبها الله عنده حسنة كاملة، وإن همَّ بها فعملها كتبها الله سيئة واحدة». (رواه البخاري ومسلم)

Абдуллоҳ ибн Аббос рози-яллоҳу анҳумо ривоят қилади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳ таолодан ривоят қилиб дедилар: **«Аллоҳ таоло яхшиликларни ҳам, ёмонликларни ҳам ёзди. Сўнгра буни баён қилиб берди: “Ким бир яхшиликни кўнглига тугса-ю, уни қилмаса, Аллоҳ таоло Ўз ҳузурида уни комил яхшилик сифатида ёзиб қўяди. Агар бир яхшиликни кўнглига тугиб, уни амалга оширсан, Аллоҳ таоло уни Ўз ҳузурида ўн ҳасанадан етти юз баробаргача – зиёдалар билан ёзиб қўяди. Агар банда бир ёмонликни кўнглига туг-**

саю уни қилмаса, Аллоҳ таоло Ўз ҳузурида уни комил яхшилик сифатида ёзиб қўяди. Агар бир ёмонликни кўнглига тугиб, уни амалга оширсан, Аллоҳ таоло уни битта ёмонлик сифатида ёзиб қўяди»» (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Имом Нававий раҳимаҳуллоҳ ҳадисни шарҳлаб: «**“Ўз ҳузурида”** лафзи Аллоҳ таолонинг яхши амалга бўлган эътиборига ишора. “Комил” калимаси эса айни эътиборни кучайтириб, таъкидлаб келмоқда. Банда дилига туккандан кейин тарк этган ёмонлик ҳақида ҳам: **“Аллоҳ таоло Ўз ҳузурида уни комил яхшилик сифатида**

ёзиб қўяди”, деб унинг комиллигини таъкидлади. Банда томонидан содир этилган ёмонликни эса “комил” деб таъкидламади-да, унинг камайтирилишини айтиб “битта” лафзини қўшимча қилди», деган.

Мўминнинг қилган битта яхши амали ўн баробар орттирилади. У нафақат яхшиликни кўнглига тугади, балки уни бажарса, **“Ким бир яхши амални қилса, унга ўн баробар қилиб қайтарилур”** (Анъом сураси, 160-) оятига мувофиқ мукофотланади.

Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос, Умар ибн Абдулазиз каби бир қан-



ча кишилар Маккада гуноҳ иш қилиб қўйишдан қўрқиб, у ерда яшашдан ўзларини тийишган.

Мужоҳид раҳимахуллоҳ айтади: “Маккада яхшиликлар зиёда қилинганидек ёмон амаллар ҳам кўпайтирилади”.

Ким бир яхши амални қаттиқ кўнглига тугиб, сўнгра уни қилмаса ҳам, ана шу қатъий қарори Аллоҳ таоло ҳузурида комил яхшилик сифатида ёзиб қўйилади. Чунки яхшилик қилишга бел боғлаш яхшиликлар қилишга сабаб бўлади. Яхшилик сабабчиси ҳам яхшилик саналади. **“Агар бандам бир яхшиликни амалга оширишга азму қарор қилса, Мен унинг шу ниятини ҳасана – яхши амал сифатида ёзиб қўяман”** (Ҳадиси қудсий. Имом Муслим ривояти).

Абу Дардо розияллоҳу анҳу айтади: “Ким кечаси туриб намоз ўқишни ният қилиб тўшагига ётса-ю, уйқу ғолиб келиб, тонггача ухлаб қолса, ният қилгани унинг учун яхшилик сифатида ёзиб қўйилади”.

Саид ибн Мусаййиб раҳимахуллоҳ айтади: “Намоз ўқишни, рўза тутишни, ҳаж қилишни ёки Ватан ҳимоясини мақсад қилган банда бирор қаршиликка учраса, Аллоҳ таоло уни қилган ниятига эриштиради”.

Ҳофиз ибн Ҳажар раҳимахуллоҳ айтади: “Киши юқорида шарт қилинган туйғуни (Аллоҳнинг қўрқувини) дилидан ўтказмаса-да, маъсиятни тарк қилгани учун унга ҳасана ёзилиши мумкин. Чунки маъсиятни тарк этмоқ ёмонликнинг олдини олмоқдир. Бу эса, албатта, хайрли амал. Эҳтимол, дилига туккан маъсиятни тарк этиш киши битта ҳасана олиб, Аллоҳдан қўрққани учун ёмон ниятини тарк этган банда зиёда ҳасаналар олар”.

Раҳматуллоҳ САЙФУДДИНОВ,
Тошкент шаҳар “Минор” жоме
масжиди имом-хатиби

Хотиннинг катта хатоси

Эр-хотинлар ўртасида бўлиб ўтадиган суҳбатлар меъёр ва одобларга риоя қилинмагани сабабли орага шайтоннинг найранги аралашиб, ажралиш билан якун топади. Давомли жанжаллар ортидан қанча мурғак ва мунис қалблар вайрон бўлади.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сизу бизни шубҳаланишдан қайтариб: **“Ким ҳақ ҳолида ҳам шубҳаланишдан сақланса, унга жаннатда бир уйнинг кафолатини бераман”**, деганлар (Имом Абу Довуд ривояти).

Эр киши ғазабланиб турганида жанжал эшигини баралла очган аёл катта хато қилган бўлади. Шу боис валий зотлардан бири аёлига тавсия бериб, бундай деган: “Ғазабдан ловуллаб турганимда менга бир оғиз ҳам гапирма. Йўқса, қалбимдан ўрнингни йўқотасан. Шунга амин бўлдимки, агар қалбда муҳаббат ё азиятдан бири ўрин олиши керак бўлса, муҳаббат тезроқ чиқиб кетар экан!”

Абу Дардо розияллоҳу анҳу аёлига бундай деган: “Агар мени ғазабланган ҳолда кўрсанг, рози қилгин. Мен сени ғазабланган ҳолда кўрсам, сени рози қиламан. Йўқса, бирга яшай олмаслигимиз мумкин”.



Ислом инсон ҳаётининг бир бўлаги эмас, балки инсон ҳаёти Исломнинг бир бўлагидир. Ислом том маънодаги поклик жамиятидир. Ҳамма томон, ҳамма нарса пок бўлиши керак. Бу жамиятда зино ҳаром саналади. Шунингдек, зинога сабаб бўладиган нарсалар ҳам ҳаромдир. Зино инсоннинг руҳий тинчлигини йўқотадиган разолатдир. Иффатли бўлиш кишига тинчлик

ромдан) **сақласинлар!..**” (Нур сураси, 30–31-оятлар).

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам зинодан қайтариб айтдилар: **“Эй инсонлар! Зинодан қўрқинглар, унда 6 та зарар бор. Шундан 3 таси бу дунёда, 3 таси охирада бўлади. Бу дунёдаги лар: зино руҳий гўзалликни кетказди, камбағаллик келтиради, умрни қисқартиради. Охирада Аллоҳ-**

лоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Эй Али, назарга назарни эргаштирма. Албатта, биринчиси сен учун безарар бўлса ҳам, бошқаси ундоқ эмас”**, дедилар (Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ривояти).

Биринчи назар номаҳрамга тўсатдан тушгани учун зарарсиз ҳисобланади, гуноҳ бўлмайди. Аммо ундан кейин яна қайта назар солишни тўсатдан деб бўл-

БИР ГУНОҲНИНГ ОЛТИ ЗАРАРИ

ва хотиржамлик бахш этади.

Зино улкан гуноҳлардан бўлиб, қаттиқ жазога сабаб бўладиган бу оғир жиноят тўсатдан содир бўлмайди. Аввал шахват назари тушади, шу маънода гапирилади, зино жойига юриб борилади, охири зино содир бўлади.

Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга бундай деган: **“(Эй Муҳаммад,) мўминларга айтинг, кўзларини (номаҳрам аёлларга тикишдан) тўссинлар, авратларини (ҳаромдан) сақласинлар! Мана шу улар учун энг тоза (йўлдир). Албатта, Аллоҳ улар қилаётган ишлардан хабардордир. Мўминларга ҳам айтинг, кўзларини (номаҳрам эркакларга тикишдан) тўссинлар, авратларини (ҳа-**

нинг ғазаби, ҳисобдан ёмон ўтиш ва жаҳаннам азоби бордир” (“Ам-Тарғиб ват-тарҳиб”).

Аллоҳ таоло инсон танасининг айрим жойларига қарашни ман этган. Бунинг фойдалари бисёр. Номаҳрамларга қарашдан кўзини тийган одамнинг қалби ҳам, танаси ҳам саломат бўлади. Қолаверса, нигоҳни номаҳрамлардан тийиш билан жуда кўп ёмонликларнинг олди олинади, оилалар тинч бўлади. Бунинг биз билган-билмаган ҳикматлари кўп.

Ким фаҳшга, зинога яқинлашса, у ҳаддан ошган одамдир. Ундайлар соф инсоний табиатдан мутлақо четда бўлган одамлардир.

Али розияллоҳу анхудан ривоят қилинади. Расул-у

майд, буниси қасддан бўлади ва гуноҳ ҳисобланади.

Ушбу таълимотлар Ислом жамиятини пок сақлаш, эркак ва аёлларни турли ношаръий ишлардан, аянчли оқибатлардан ҳимоялаш учун келган. Ислом шариа-ти ҳукми бўйича эркак киши аёлларнинг йўлини тўсиши, тегажоқлик қилиши, гапотиши у ёқда турсин, пинҳона назар солиши ҳам ҳаром ҳисобланади. Уйланмоқчи бўлса, шариат кўрсатмаси бўйича назар солсин. Уйланганлар ўз хотинига хоҳлаганича назар солсин, ундан лаззат олсин, савоб бўлади. Аммо бировнинг хотинига ёки бировнинг хотини бўладиган ожизага шахват назари билан қарамасин. Бу кўз зиноси бўлади. Шунинг учун

Аллоҳдан ва қиёмат кунидан умиди бор эркаклар номаҳрамларга назар солишдан ўзларини сақласинлар, аёл-қизлар эса ўзларини кўз-кўз қилмасин.

Тиб олимларининг, хусусан, урология мутахассислари олиб борган илмий текширишлар ёш йигитларнинг, умуман, эркакларнинг аёлларга шаҳват назари билан қарашлари жинсий ожизликни келтириб чиқаришини исботлади. Чунки бошқа жинсга шаҳват назари билан қараган одамда жинсий майл уйғонади, у майлни қайтариш эса, осон бўлмайди. Жараённинг кўп такрорланиши ва қоникмаслик эса, жинсий ожизликка олиб келади.

Биз Аллоҳнинг амрига итоат этсак, У Зот дилимизга ихлос неъматини солади. Унинг ҳаловатини ибодат чоғида сезамиз. Дунёда иймон лаззатидан ҳам қадрлироқ, кўнгил хотиржамлигидан-да тотлироқ неъмат йўқдир.

**Иброҳим
МАМАТҚУЛОВ,**
“Шайх Зайнид-
дин” жоме масжиди
ди имом ноиби

СУВ КАБИ БЎЛИНГ!..

Эй азиз биродарим, сув каби бўлинг. Чунки бойнинг қасридаги сув билан мискиннинг кулбасидаги сув бир хил бўлади. Катта боғлар суғориладиган сув билан кичик томорқалар ҳам суғорилади.

Сиз ҳам одамларни ташқи кўринишларига, бой-камбағаллигига кўра ажратманг. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Огоҳ бўлинг, арабнинг ажамдан, ажамнинг арабдан, қизилнинг қорадан устунлиги йўқ. Магар тақвода. Аллоҳнинг наздида энг улуғингиз тақводорингиздир”**, деганлар.

Анҳор ёки дарёга боқинг. Ўзи ҳам пок, унга тушган нарса-ни ҳам поклайди. Унга тушган нарса уни ифлос қила олмайди. Тиниқ кўлга тош отиб кўрганмисиз? Отган тошингиз унинг сатҳини бироз чайқатгандек бўлади, аммо тезда яна асл ҳолига қайтади! Мўмин кишининг мисоли ҳам шундай: **“(У тақводор зотлар) қачон бирон-бир нолойиқ гуноҳ иш қилиб қўйсалар ёки ўзларига зулм қилсалар, дарҳол Аллоҳни эслаб, гуноҳларига мағфират сўрайдилар”** (Оли Имрон сураси, 135-оят). Ўзингизни поклаш учун Аллоҳга қайтинг!

Ҳаво ҳарорати исиб кетганида сув буғга айланиб юқорига кўтарилади. Сўнг ҳаво салқинлашганида қуюқ булутлар ҳолида ерга томчи бўлиб қайтади.

Денгиз тўлқинлари катта харсанг тошларга узлуксиз, ҳар куни, асрлар давомида урилишда давом этади ва натижада улкан тошларда ўз изини қолдиради. Аллоҳ таоло пайғамбари Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламга таълим бериб айтади: **“Сиз ўзингизни эртаю кеч Раббиларининг розилигини истаб, Унга илтижо қиладиган зотлар билан бирга тутинг”** (Каҳф сураси, 28-оят).

Сиз ҳам одамларни даъват қилишда бардавом бўлинг. Асло ноумид бўлманг! Сув тошни куч билан эмас, такрор ва такрор келиши билан забт этади!

Тонг чоғи япроқлар устида шудрингни кўрганмисиз?! У япроқлар ва майсаларнинг кўнглига ором бахш этади. Ҳақ таоло айтади: **“Агар қўпол, қалби қаттиқ бўлганингизда, атрофингиздан тарқаб кетган бўлар эдилар”** (Оли Имрон сураси, 159-оят).

Сув шакли ҳар хил идишларга солинганида ўша шаклга мослаша олади. Бироқ унинг таркиби ҳечам ўзгармайди. Турланиб-тусланмайди...

Сув осмондан ерга тушиб, одамлар учун хайр-барака бўлиши учун жимгина ер остига сизиб киради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ким Аллоҳ учун тавозели бўлса, Аллоҳ унинг қадрини баланд қилиб қўяди”**, деганлар.

Эй азиз инсон! Сув каби бўлинг!..

Никоҳдан кейинги ҳаёт

Бўй етаётган қизлар турмушга чиққандан кейинги ҳаётни турлича тасаввур қиладилар. Аксарининг кўнглида эса хавотири кучли. Нотаниш оиланинг аъзосига айланиш, шу вақтгача танимаган-билмаган одам билан бир ёстиққа бош қўйиш... Янги оила қандай қабул қиларкан? Куёв баджаҳл эмасмикан?.. Беадоқ саволлар. Баъзиларининг наздида турмушга чиққанидан кейин гўёки ҳаёт тугайди – у катта бир оиланинг сочи узун хизматкорига айланади...

Ўсмирлик чоғимда турмуш қуриш зерикарли ҳаётнинг бошланиши деб ўйлардим. Турмушга чиққанимдан кейин тушуниб етдимки, никоҳ мен тасаввур қилганимдан бутунлай бошқача ҳодиса экан...

Мен учун никоҳ шунчаки янги ҳаёт эмас, балки янги саёҳат бўлди. Аслида, мен доимгидек ўзим эдим, ҳаётим ҳам янгидан бошланмаган эди. Мен барча тажрибаларимни тўпладим ва уларни ўзим билан саёҳатга олиб кетдим. Фақат ҳозир бу йўлда бирга юрадиган йўлдошим бор.

Никоҳдан кейин турмуш тарзимизда ўзгариш бўлгани боис биз аввалги ҳолимизда қолмадик. Биз шу вақтгача бегона бўлиб келган ёки биз ҳеч қачон кўрмаган, танимаган одам билан бирга яшашни ўрганамиз. Чунки Аллоҳ таоло никоҳ воситасида қалбларимизни муқаддас ришта билан боғлайди. Мен учун никоҳ аслида бизга раҳмдилликни, муҳаббатни, ёнингиздаги йўлдошингизни тушунишни, унинг ҳаловат топиши учун бутун умрингизни фидо қилишга ундайдиган сирли қувватга эга шартномадир. Бинобарин, Аллоҳ таоло Рум сурасида бундай деб марҳамат қилади:

“Ва Унинг оят-белгиларидан сизларга сокинлик топишингиз учун ўзингиздан жуфтлар яратгани ҳамда ораларингизда меҳру муҳаббат ва марҳаматни солиб қўйганидир...” (21-оят)

Кўпчилик эркак-аёллар никоҳдан аввал ҳам шундай фазилатларга эга эканига ишонади, лекин бу хислатларнинг ўзини айнан никоҳда намоён этиши ҳеч нарсага қиёслаб бўлмайдиган даражада ажойиб ҳодисадир. Эр-хотиннинг фарзандлари борлиги ёки йўқлигидан қатъи назар, бир нарсаниқ: ҳар бир киши никоҳда ўзи ҳақида янги нарсаларни ўрганади.

Бошқа одам билан бирга яшай бошлаш аввалига бироз кўркүв пайдо қилади. Шунинг унутмангки, ҳар бир кишининг ўз одатлари, феъл-атвори, характери бор.

Моддий номутаносибликлар, қайси таомларни яхши кўриш, қалтис вазиятларда ўзини тутиш, қачон, қандай ҳолатда муросага келиш заруратга айланади. Айнан ўшанда вазият муҳим аҳамият касб этади – ахир муросага келиш Аллоҳ ризоси учун нафсингизни бир четга суриб қўйишдир. Ва бу эрга ҳам, хотинга ҳам бирдек тегишли, чунки уларнинг ҳар бири хонадонда осойишта шароит яратишга масъул. Зотан, никоҳда бахту саодат ҳукмрон





бўлиши учун жуфтликлар бир-бирини тушунишга ҳаракат қилиши керак. Ҳар бир турмуш ўртоғи англаши керакки, муросанинг йўқлиги ўртада низолар ва тушунмовчиликлар келтириб чиқаради.

Буни ҳеч ким инкор қилмайди. Эзгу ишлар бизга куч-қувват бағишлайди ва яхшиликка ундайди. Қачонки эр-хотин бир-бирига яхши ишлари орқали таъсир кўрсатса, бошқаларга ҳам ибрат бўлади ҳамда норозиликлар, дилтангликлар ортида қолади.

Албатта, ҳамма нарсанда мурасага келиш қийин, аммо бу жуфтликларнинг муаммоси кўплигини ёки бахтсизлигини англабмайди. Масалан, ҳатто чидаб бўлмайдигандек кўринадиган одатларга ҳам вақт ўтиши билан кўникилади. Бу сабр-тоқатнинг мустаҳкамлигига боғлиқ.

Мен эр-хотиннинг бир-биридан шубҳаланиши ёки бири иккинчиси ҳақида бадбин ўйларга бориши ҳақида кўп эшитаман. Бу оилавий муносабатларда тарангликни юзага келтиради ва эр-хотин нафсининг измига тушиб, шайтоннинг ўйинчоғига айланади. Эр-хотиннинг ўртасига совуқлик тушиши шайтонни ниҳоятда завқлантиради. Бу бугунги жамиятнинг энг катта муаммоларидан биридир.

Чунки мўрт никоҳлар жамиятимиз ҳаётига салбий таъсир кўрсатмоқда. Энг ёмони, оиладаги вазият оғирлашганда оила аъзоларини чалғитадиган нарсалар кўп бўлади. Натижада одам ўзининг никоҳидан кўра муҳим бўлмаган нарсалар билан шуғуллана бошлайди. Телевизорда ва оммавий ахборот воситаларида беҳаё нарсалар шу қадар мафтункор этиб тасвирланадики, агар эр-хотинлар эҳтиёткор бўлмаса, бемаъни нарсаларга эргашиб, никоҳнинг асл маъносини унутиб қўйишади.

Аслида, никоҳ буюк Яратувчига яқин бўлиш воситалардан биридир. Биз жуфттимизни Аллоҳнинг розилиги учун севишимиз лозим.

Шариатимизга кўра, эр-хотинларнинг ҳар бирининг вазифалари бор. Оила бошлиғи бўлишнинг энг гўзал намунаси Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдирлар. У зот ҳаётнинг ҳар бир соҳасида мукамал хулқ-атвори намоён қилдилар. Эр-хотинлар Пайғамбар алайҳиссаломнинг оила тутумларига тақлид қилишлари керак. Ана шунда саодатли оила ҳаётини яшайдилар.

Робия ЖўРАҚУЛОВА

таржимаси

Мен...

*Мен бир хасман шамолда учган
Ёки бир туп қуриган дарахт.
Босилган из мендан-да юксак,
Мен-чи, оддий хокисор тупроқ,
Умидларим осмондир бироқ.*

*Ўтиб борар йиллар карвони,
Олтмишдан-да ошибди ёшим.
Бу йўлларда ожиз сарбонман,
Сажда учун эгилди бошим,
Оғир экан бу тақдир тошим.*

*Мен заъфарон бир гулман,
Ранги рўйи қолмаган.
Ҳаёт ташвишларидан
Юрар йўл тополмаган.*

*Пасту баланд бор экан,
Бу ҳаётнинг йўлида.
Бир-бир ўтиб боряпман,
Тикон босган чўлида.*

*Аллоҳ, Сенга ҳамд айтиб,
Шукроналар қилайин.
Қайтиш қилмай дунёдан,
Ҳамду сано йўллайин.*

Очилтош АБДУЛЛАЕВА,
Пастдарғом тумани



Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қиёмат кунда жаннатга биринчи чақириладиганлар Аллоҳга энгилликда ҳам, оғирликда ҳам ҳамд айтадиганлардир»**, дедилар (Ибн Ҳажар Асқалоний келтирган).



Ҳомиладорлик, идда ва закотга доир ҳукмлар

САВОЛ: Ҳомиладор аёл сочини кесса, қорнидаги боланинг умрини кесган бўлади, деган гап бор. Шу тўғрими?

ЖАВОБ: Ҳомиладор аёл сочини қисқартириши фарзандининг умрининг қисқаришига сабаб бўлади, дейиш хатодир. Аллоҳ таоло инсоннинг умрини белгилаб қўйган. Уни соч қирқиш билан камайтириб бўлмайди.

Опа-сингилларимизга сочларини кесмасликни маслаҳат берамиз. Чунки соч аёллар зийнатидир.



САВОЛ: Агар аёл киши фарзанд кўргандан сўнг нифоси тугагач, ҳайз кўр-

масидан эрдан талоқ олса ва эри билан туғуруқдан сўнг умуман жинсий алоқада бўлмаган бўлса, қанча муддат идда ўтиради?

ЖАВОБ: Ҳайз кўрадиган аёллар учун талоқ иддаси уч ҳайзdir. Учинчи ҳайзи тугаши билан иддаси ҳам тугайди. Талоқдан олдин жинсий алоқа бўлган-бўлмаганининг иддага таъсири йўқ. Идда талоқдан кейин бошланади. Идда фақатгина ҳомила бор ёки йўқлигини билиш учун ўтирилмайди. Агар аёл ҳайздан қолиш ёшига етмаган бўлса, узоқ бўлса ҳам, ҳайз келишини кутади ва уч ҳайздан кейин иддаси тугаган бўлади.

САВОЛ: Жарроҳлик йўли билан кўзи ёриган аёл қон кўрмайди. Маълумки, аёл қон кўрган вақтларда эр-хотинлик муносабати мумкин эмас. Аёл қон кўрмайдиган ҳолатда бўлганда-чи?

ЖАВОБ: Эр-хотинлик муносабатлари (алоқалари) фақат аёлнинг ҳайз ва нифос ҳолатларида мумкин

бўлмайди. Фикҳий китобларимизда ҳайзнинг энг ками уч кун, энг кўпи ўн кун, икки ҳайз орасидаги поклик кунларининг эса энг ками ўн беш кун, кўпининг чегараси йўқ экани айtilган. Нифоснинг энг узоқ муддати қирқ кундир.

САВОЛ: Аёллар фарзанддан сақланиш учун бачадонига махсус мослама қўйишади ёки лазер ёрдамида операция йўли билан бачадон найлари беркитилади. Шундай қилишлари мумкинми?

ЖАВОБ: Шариатимизга кўра, фарзанд кўриш эр-хотиннинг шахсий ҳуқуқлари саналади. Уни ўзаро маслаҳатлашиб, вақтинча чеклаб туришлари мумкин. Лекин замонамизнинг кўпчилик уламоларига кўра, жарроҳлик амалиёти орқали бачадон найларини беркитиб, аёлни мутлақо фарзанд кўрмайдиган қилиш ножоиздир.

САВОЛ: Аёллар қайнота ва қайнакалари билан бир жойда намоз ўқиса бўлади-

ми? Ўзи кимларнинг олдида намоз ўқиш мумкин?

ЖАВОБ: Ҳанафий мазҳабида аёлларнинг ўзлари жамоат бўлиб намоз ўқишлари ва масжидга жамоат намозларига чиқишлари макруҳ. Яъни, мазҳабимизда жамоат намози аёлларга буюрилмаган. Аёл киши отаси, эри, акаси каби маҳрамлари ҳузурида намоз ўқиши мумкин.

Ҳар бир муслима аёл уйда ўзгаларнинг нигоҳи тушмайдиган жойни намоз ўқиш учун ажратиб, ўша ерда ўзи намоз ўқигани афзал.

САВОЛ: Энди намоз ўқий бошлаган аёллар аввалдан намоз ўқиб юрган кишининг орқасида туриб намоз ўқиса бўладими?

ЖАВОБ: Энди намоз ўқий бошлаган аёллар намоз ўқиш тартибини эрларидан, қайнона ё оналаридан яхшилаб ўрганиб олишлари керак. Чунки намозда ўқиши лозим бўлган суралар, сано ва тасбеҳлар бор. Уларни кимгадир иқтидо қилиб ўрганиб бўлмайди.

САВОЛ: Одатий суҳбатлашиш вақтида аёл эрига “Озғинроғига уйланинг ёки топиб олинг”, деса, эрининг сўзларига ҳеч нима демаса, талоқ тушадими?

ЖАВОБ: Бу ҳолатда талоқ тушмайди. Аёлнинг айтган сўзи сабабли ҳам талоқ тушмайди.

САВОЛ: Аёл киши товуқ сўйса бўладими?

ЖАВОБ: Ҳа, муслима аёллар ҳам “Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар!” деб товуқ, қўй ва сигирларни сўйса бўлади (“Мухтасар”, “Фатҳу бобил иноя”).

САВОЛ: Ўсма қўяётганда қошнинг ўртасига қўймаса, Сирот кўпригидан ўтолмайди, деган гаплар ростми?

ЖАВОБ: Ислом дини аёлларга эрлари ҳузурида зийнатланишга рухсат берган. Ўсма ҳам аёллар учун фойдаланиши мумкин бўлган зийнатлардан. Аммо сиз айтган “Икки қошнинг ўртасига ўсма қўймаса, Сирот кўпригидан ўта олмайди”, деган гапнинг асоси йўқ.

САВОЛ: Қуръони каримни тажвидсиз ўқисам, гуноҳкор бўламанми? Аёл киши тажвидсиз ўқиса бўлади, дейишди. Биз томонларда тажвид билан ўқийдиган аёллар йўқ.

ЖАВОБ: Қуръони каримни аёллар ҳам, эркаклар ҳам тажвид билан ўқишлари лозим. Интернетда тажвид устозларининг ўзбек тилида видеодарслари бор, ўшалардан фойдаланиш керак. Онлайн дарслар ҳам олиб боришмоқда, кузатиб боришни тавсия қиламиз.

САВОЛ: Ўғай онага закот берса бўладими?

ЖАВОБ: Агар закот олишга муҳтож бўлса, яъни нисоб

га етган маблағи, мулки ёки тилласи бўлмаса, ўғай онага закот бериш мумкин. Чунки орасида туғилиш ва эр-хотинлик риштаси бўлмаган шахсларга закот берса бўлади, яъни фарзанд ота-онасига, ота-она фарзандига, эр хотинига, хотин эрига закот бера олмайди. Отасининг аёли, яъни ўғай онада эса бундай алоқадорлик йўқ. Бу ҳақда “Раддул муҳтор” китобида бундай дейилган: “Закот берувчи шахс закотини отасининг хотини, келини ва куёвига бериши мумкин. “Татархония” китобида шундай келган”.

САВОЛ: Ғусл учун тайёрланган сувга қўлни тиқиб кўриш билан сув нопок бўлиб қолмайдими?

ЖАВОБ: Сувга қўл тиқилган ҳолатда агар қўлда нажосат бўлмаса, бундай сув пок ҳисобланади. У билан таҳорат, ғусл қилиш ҳам, бундай сувни истеъмол қилиш ҳам мумкин бўлади. Имом Фахруддин Қозихон раҳимахуллоҳнинг “Фатавои Қозихон” китобида бундай келтирилади: “Бетаҳорат ёки жунуб киши сув олиш учун қўлини идишга тиқса ва қўлида нажосат бўлмаса, сув нопок бўлмайди”.

Ўзбекистон
мусулмонлари
идораси Фатво маркази
Тел: (78) 150-33-44

Болангиз нума кўрмоқда?!

Очиғи, ўғлимнинг саволларига қандай жавоб беришни билмай қолдим: *“Ойи, мушук ҳеч гапирадими?”; “Гуллар махлуққа айланиши мумкинми?”; “Менинг ҳам гапирадиган илоним бўлишни хоҳлайман...”* Қачон боламнинг хоҳиши, тасавури бунчалар ўзгариб кетди? Айниқса, “Пичоқ урса ҳам, оловга тушса ҳам, ўлмайдиган қахрамон бўлишни истайман”, деган гапидан кейин даҳшатга тушдим. Ҳозирги болаларни банд қилиб қўйган экранлар (телефон, телевизор, компьютер)да кўрсатилаётган тасвирлар ҳар бир ота-онадан огоҳ бўлишни талаб қиляпти.

Шайх Зулфиқор Аҳмад Нақш-

бандий “Солиҳ фарзанд қандай тарбия қилинади?” номли китобида: “Ҳеч қачон фарзандингизга, асли йўқ, ёлғон эртакларни айтманг. Бундай ёлғон гаплар билан фарзандингизни алдаманг. Йиллар ўтиб, сиз айтиб берган нарсалар ёлғонлигини билгач, бу нарса унинг руҳиятига таъсир қилади. Фарзандингизга солиҳлар қиссаларидан сўзлаб беринг, токи унинг ҳам ҳиммати ўша солиҳларнинг ҳимматидан фойда олиб, дарё бўлиб жўшсин, мард бўлиб вояга етсин”, деб ёзади.

Телеканалларда, асосан, Ғарб давлатлари ёки Узоқ Шарқ давлатларининг мультфильмлари бериб борилади. Вояга етган

қиз-йигитларнинг ўзаро муносабат тасвирлари, либосидаги очиқлик, тарбиядаги ахлоқсизлик кўзга ташланади...

Яқинда бир телеканалда бир мультфильм қўйилди. Унда бир қизалоқ оиладагилари билан тез-тез тортишиши, онанинг қизига сабаб-бесабаб танбеҳ бериши, акасининг унга нисбатан қилаётган “қитмирлик”лари акс этган. Бунга жавобан қизалоқ ҳам уй ҳайвонларидан иборат дўстлари билан биргаликда ҳийла қилади. Она эса уларнинг бу қилмишидан беҳабар беайб фарзандини жазолайди. Буни кузатиб турган қизалоқ: “Акамни жазолаётганидан хафаман”, деса, гапирадиган уй ҳайвонлари: “Қўявер, у шунга лойиқ”, дейишади. Аканинг чақимчилиги сабаб қандай жазо берилгани экранда кўрсатилмайди. Фақат тасвирда боланинг: “Алдамадим, мен қилмадим”, дея йиғлаган товуши эшитилади. (Жазони ўзингиз тасаввур қилаверинг.) Бу қахрамонларни томоша қилаётган бола жазодан қочиш учун ўз хатосини бошқага осонгина тўнкаб қўйиши мумкин.

Ижтимоий тармоқларда машҳур бўлишга улгурган, Индонезия давлати томонидан тақдим этилган бир мультфильмда эса она бир-бири билан талашиб, уришиб қолган фарзандларини жазоламайди, аксинча, уларга маърифат билан танбеҳ бериб, ҳадислардан намуналар келтиради. Мазкур мультсериалнинг бирида опа-ука ўзаро жанжалашиб қолиб, онасининг телефони синдириб қўяди. Улар онасидан





ҳақиқатни яширмайди. Синдириб қўйишганини айтиб, бунинг учун узор сўрашади. Бироқ болалар болалигига бориб, ака-сингил айбни бир-бирига тўнкайди. Она бу вазиятда фарзандларининг аҳил бўлишини айтади, телефонни бошқа бермаслигини таъкидлайди. Ака-сингил тезда муросага келади ва телефондан фойдаланиш режасини тузади: телефонни рухсатсиз олмаслик; 10 дақиқадан ортиқ ишлатмаслик; ҳамма ўз навбатида кўриш; кўриб бўлгандан сўнг қувватлашга қўйиш. Болаларни телефондан тўсолмаймиз, мазкур мультфильм болаларга телефондан тўғри фойдаланишни ҳам ўргатади.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Банда вафот этса, унинг учта амалидан бошқа амаллари тўхтайди: садақаи жория, манфаатли илм ва ҳаққиға дуо қилиб турадиган солиҳ фарзанд”**, дедилар (*Имом Муслим ривояти*). Фарзандларимизнинг солиҳ бўлишини Аллоҳдан сўраб дуо қилар эканмиз, тарбиясида ҳам эътиборли бўлишни унутмаслик керак. Айниқса, оналар бола бўш вақтида нима билан машғул бўлишини, дўстлари кимлар экани, нималар кўраётгани ва эшитаётганини назорат қилишлари лозим.

Ойсара ДАДАЕВА

Умму Ҳабиба розияллоху анҳонинг асл исми Рамла бинти Абу Суфён эди.

Пайғамбарликнинг олтинчи йили эри Убайдуллоҳ ибн Жаҳш билан бирга иккинчи гуруҳда Ҳабашистонга ҳижрат қилган Рамла у ерда Ҳабиба исмли бир қизалоқни дунёга келтиради. Таасуф, эндигина мушриклар зулмидан халос бўлган аёл роҳат-фароғатга эришдим, деганида эри насронийлар таъсирига тушиб қолди ва улар ажралишмайди.

Нажоший ўқиган никоҳ

Иддаси тугашидан кўп ўтмай, бошига бахт қуши қўниди. Бир куни Ҳабашистон подшоҳи Нажошийнинг хос ходимаси Умму Ҳабибага “Муҳаммад Нажошийга мактуб юбориб қўлингизни сўради”, дея хушхабар етказди.

Шу тариқа Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам томонларидан Нажоший, Умму Ҳабиба томонидан Холид ибн Саъд ибн Ос вакиллигида никоҳ ўқилди.

Умму Ҳабиба онамиз розияллоху анҳо Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва салламдан 65 та ҳадис ривоят қилган бўлиб, бу борада Ойша ва Умму Салама розияллоху анҳуннадан кейинги ўринда туради.

У онамиз кўп нафл намоз ўқир, нафл рўза тутар ҳамда Пайғамбаримиз соллаллоху

алайҳи ва салламнинг суннати мутоҳҳараларига амал қилишда барчага ўрнатди.

Абу Суфён Мадинаи мунавварага келгач, жигаргўшаси Умму Ҳабибанинг уйига боради. У ерга тўшаб қўйилган кўрпача устига ўтирмоқчи бўлганида қизи отасининг тагидан кўрпачани тортиб олади. Бундан ҳайратда қолган Абу Суфён: “Эй қизгинам, нима бўлди? Мендан кўрпачани қизғанияпсанми?” деди. Онамиз: “Бу кўрпача

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг кўрпачалари, сиз эса мушриксиз. У зотнинг кўрпачаларига ўтиришингизни хоҳламайман”, деди. “Аллоҳга қасамки, сенга мендан кейин ёмонлик етибди”, деди отаси.

Онамизнинг бу иши Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламга бўлган юксак ҳурматидан намуна эди.

Умму Ҳабиба онамиз ҳижрий 44 санада вафот этди. Мадинадаги Бақий қабристонига дафн этилди. Аллоҳ таоло Умму Ҳабиба онамиздан рози бўлсин!

Ирода АШУРОВА,

“Жўйбори Калон”

*аёл-қизлар ўрта махсус
ислом таълим муассасаси
талабаси*



(Давоми.)

Бошланиши ўтган сонларда.)

Ҳижрий 1382 (милодий 1961) йилда Саудия Арабистонига келдим ва бир йил Риёзда яшадим. Кейин Маккага бордим ва у ерда ҳозиргача (яъни шу мақола ни ёзган пайтларини назарда тутяпти – таржимон) турдим. Биз билан бирга Шомдан ҳам бир киши бор эди. У онаси билан Риёзда яшарди. Иш юзасидан Ливанга сафар қилишига тўғри келиб қолди. Онаси эса ўғлининг кетишини истамади. Сафарга чиқишига бир кун қолганда юкларини олиб, аэропортга борди. Сумкаларини топшириб, ўзи эса тонггача уйига қайтди. Онасидан бомдоддан олдин уйғотишини илтимос қилди. Онаси эса бундай қилмади.

Бир пайт уйғониб қараса, самолёт ҳавога кўтарилишига 45 дақиқа қолибди. Шошилиб ўрнидан турди-да, таксига ўтирди.

Ҳайдовчига: “Мени зудлик билан аэропортга элтиб қўйинг. Истаган пулингизни бераман”, деди. Аллоҳдан самолётга етказишини сўради. Аэропортга етиб боргач, қараса, училишига ҳали 15 дақиқа бор экан. Ошхонага кириб, стулга ўтирди ва ухлаб қолди. Самолётга йўловчилар чиқарилаётгани микрофонда эълон қилинди. Лекин ухлаб қолгани

Шайх Али Тантовий

Эй қизим!

учун у бунга эшитмади.

Ушбу қиссанинг охири қандай якун топганини биласизларми? Эҳтимол, орангизда “Яқин Шарқ” ширкатига қарашли самолётнинг ҳалокатга учрагани, ундаги барча йўловчилар ҳалок бўлганини эслайдиганлар бордир. Бояги танишим чиқолмаганига афсус қилган учоқ айнан ўша эди!

Инсон гоҳида Аллоҳдан ўзига зарарли нарсани сўрайди. Лекин Парвардигор ўша бандасига унинг ўзидан ҳам меҳрибонроқдир. Агар ота кичкина фарзандини бозорга олиб борганида боласи бирор ўйинчоқни кўриб қолиб: “Шуни хоҳлайман”, деса, ота ўша ўйинчоқни сотиб олади. Бола чиройли мевани кўриб егиси келса, уни ҳам олиб беради. Шоколад сўраса, муҳайё қилади. Агар бола дорихонанинг ёнидан ўтаётганида қизил қоғозга ўраб қўйилган дорини кўриб, рангига қизиқиб, ўшани талаб қилса, ота унинг зарарли эканини билатуриб ҳам олиб берадими? Демак, ота боласига нима фойдали эканини фарзандидан ҳам яхшироқ билгани учун унга ҳамма сўраган нарсаларини олиб беравермайди. Чунки бола гоҳида фойдаси йўқ нарсани ҳам талаб қилиши мумкин. Аллоҳ таоло эса уларнинг оталаридан, оналаридан ва уларга ўхшаганлардан кўра бандала-

рига меҳрибонроқдир!

Илгари Шом аҳлининг гўзал бир одати бўларди. Улар ёш болаларига рўза тутишни ўргатишаркан, уни “Минора зинаси” деб номлашарди. Болани қийнамасдан, бездириб қўймасдан рўза тутишга ўргатиларди. Ёш бола бомдоддан пешингача ҳеч нарсга емайди. Сўнг пешиндан асргача, кейин эса то қуёш ботиб, катталар билан оғизни очгунича рўза тутарди. Биринчи рўза тутган кун у бола учун махсус дастурхон ёзилади. Уни “Ифторлик дастурхони” деб номлашарди. Дастурхонга кичик лаган ва турли овқату ичимликлар, ҳар хил ширинликлар ҳамда ўша пайтда мавжуд бўлган мевалар қўйилади. Боланинг бу ҳаракати алоҳида эътибор билан эътироф этилади: оила аҳли уни мақтаб, олқишлайдилар. Аллоҳга қандай ҳамд айтишни ўргатадилар. Унга Аллоҳ ҳузурида қандай ажрлар борлигини тушунтирадилар. То ифтор бўлганини билдирувчи замбарак отилгунича шундай қиладилар. Мазкур дастурхон ёш болаларнинг рўзага муҳаббатини оширишда из қолдирувчи энг муҳим воситалардан бири бўлган.

(Давоми бор.)

Таржимонлар:

Иймон Али
КИТОБ АЛИЕВ,
Сайдуллоҳ АҲМЕДОВ

Соҳиби узр ва мустаҳоза

Соҳиби узр ва мустаҳозанинг ҳукми бир-бирига ўхшаш бўлгани учун уларни бирга баён этиш ўринлидир.

Агар қиндан келган қон ҳайз ёки нифос бўлмаса, яъни ҳайзда уч кундан кам, ўн кундан ошиб, нифосда қирқ кундан ўтиб келган қон истиҳоза бўлади.

* * *

Кимдан бир намоз вақти ичида бавл, жароҳат, қон, ел чиқиб турса ва орада таҳорат олиш ва намоз ўқишга етарли вақт қолмаса, у одам соҳиби узр бўлади.

Ундан кейинги намоз вақти киргунча бир марта бўлса ҳам соҳиби узрликка сабаб бўлган иллати келса, соҳиби узрликдан чиқмайди.

Агар кейинги бир намоз вақти киргач, соҳиби узр бўлишига сабаб иллати келмаса, яъни тўхтаса, соҳиби узрликдан чиқади. Яъни, унга таҳорат ва намозда соғлом кишиларнинг ҳукмлари жорий бўлади.

Агар соҳиби узр иллати таҳорат олганидан кейин намоз ўқимасдан бир марта келиб тўхтаса ва ундан кейин намоз вақтида иллати келмаса, тугаган вақтдан бошлаб соҳиби узрликдан чиқади. Ўқи-

ган намозини қайта ўқиши лозим бўлади.

Ҳар бир намоз вақти чиқиши билан соҳиби узр ва мустаҳозанинг таҳорати синади. Кейинги вақт намоз учун янги таҳорат олиши лозим бўлади. Агар улар намоз вақти чиқишидан бир лаҳза олдин таҳорат олган бўлса ҳам, намоз вақти чиқиши билан таҳорати бузилади. Кейинги намоз вақти кирганда қайта таҳорат олиши вожиб бўлади.

Мустаҳоза ва соҳиби узр бир намоз вақтида хоҳлаганча фарз ва нафлларни узрлари келиб турса-да (таҳоратни янгиламай), ўқишлари мумкин.

Намоз вақтида соҳиби узр ва мустаҳозада узрларидан бошқа таҳоратни бузувчи сабаблар содир бўлса, таҳоратлари синади.

Мустаҳоза аёл эри билан яқинлик қилиши мумкин. Мустаҳоза аёл намоз ва рўза тутиши вожиб. Ундан намоз ва рўза соқит бўлмайди. Шунингдек, масжидга кириши, Мусҳафни ушлаши, Қуръонни қироат қилиши мумкин.

Истиҳозанинг ҳукмлари

Истиҳоза худди бурундан тўхтовсиз қон оқиши

каби ҳолат бўлиб, намоз ўқиш, рўза тутиш ва жинсий алоқа қилишга монелик қилмайди. Истиҳозали аёл худди сийдигини тутта олмаган ёки давомли ичи кетаётган кишидек узрли ҳисобланиб, ҳар бир намоз вақти киргач, таҳорат қилади ва хоҳлаганича фарз ёки нафл намоз ўқиши мумкин. Узрли кишиларнинг таҳорати намоз вақти чиқиши билан бузилади.

Изоҳ: бу ҳукм Имоми Аъзам розияллоҳу анҳу ва Имом Муҳаммадга кўра-дир. Яъни, узрли киши бомдод намози учун қилган таҳорати билан фақат бомдод намозини ўқийди. Таҳоратни бузувчи бошқа сабаб бўлмаса ҳам, қуёш чиқиши билан унинг таҳорати бузилади. Имом Абу Юсуфга кўра, узрли кишининг таҳорати намоз вақти кириши билан ҳам, чиқиши билан ҳам бузилади. Бунга кўра, узрли кишининг қуёш чиққанидан сўнг қилган таҳорати пешин вақти кириши билан бузилади.

“Ҳайз ва нифос илми зубдаси” китобидан
Юлдуз АСҚАР қизи
таржимаси

Разилликларнинг “она”си

Аллоҳ таоло каломида маст қилувчи (хамр) ҳаромлиги ҳақида биз бандаларни огоҳлантиради. Ҳадисларда ҳам маст қилувчи нарсаларнинг зарари ҳақида айтилган.

Аллоҳ таоло айтади: **“Эй иймон келтирганлар! Албатта, май (маст қилувчи ичимликлар), қимор, бут-санамлар ва (фол очадиган) чўплар шайтоннинг ишидан иборат ифлосликдирки, ундан четланингиз! Шояд (шунда) нажот топсангиз.**

Шайтон май билан қимор (ёрдами)да ўрталарингизга адовату нафрат солишни ва сизларни Аллоҳнинг зикри ҳамда намоздан қайтаришни хоҳлайди. Бас, энди сизлар (май ичишдан) тийилувчимисиз?” (Моида сураси, 90–91-оятлар.)

Башариятга маст қилувчи ичкиликларни ичиш тақиқлангани бежиз эмас. Сабаби, ичкилик жисми мизни, ахлоқимизни хароб қилади. Ачинарлиси, ичкилик фарзандларимизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Бунинг олдини олишда оналарнинг алоҳида ўрни бор.

– Ўсмир нима учун ичади? Ўрганишлар натижасида шу-

ни айтишим мумкинки, улар ўзини кўрсатиш, катталардай кўриниш, пайдо бўлган муаммолардан узоқлашиш учун мана шу йўлни танлайди, – дейди Республика ихти-



сослаштирилган наркология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар филиали шифокор-наркологи **Сайёра Интизорова**. – 14 ёшга ча бўлган даврда миянинг алкогольга сезгирлиги жуда юқори бўлгани боис озгина спиртли ичимлик истеъмол қилиш ҳам оғир заҳарланишга олиб келади. Аल्когол таъсиридаги ўсмирлар ғамгин-ғазабли кайфиятда бўлишади, улар қўлларида тушган барча нарсаларни синдиришади, тегажожлик, урушқоқлик, шафқатсиз хатти-ҳаракатлар қилишади. Бундай вазиятларда ўз жонига қасд қилиш ҳолати ҳам кузатилади. Дастлабки даврда ўсмир спиртли ичимликларни ҳафтаси-

га 2–3 марта ёки ундан кўп ичади. Бу эса қарамликнинг кучайишига сабаб бўлади. Ўсмир танасининг сезувчанлиги юқори, 100–150 миллиграмм спиртли ичимлик уни сархуш қилади. Бу миқдор ошиб бориши қарамликни кучайтиради. Мунтазам ичкилик ичиш иммунитетнинг тушиб кетиши, органлар фаолиятининг ёмонлашуви, чарчоқ ва стресснинг кучайишига сабаб бўлади.

Мастлик оқибатида содир бўлган автоҳалокатлар, инсонларнинг сархушлик таъсирида қотилга айлангани, қизларнинг бадном, оилаларнинг барбод бўлаётгани айти ҳақиқат. Бугун жамиятимизда содир бўлаётган ёшлар ўртасидаги жанжаллар, айниқса, тўйларимизда сармаст йигитларнинг хатти-ҳаракатлари ўзи ва оиласини уятга қўймоқда.

Насиҳат қилиш яхши, бироқ шундай инсонлар бўладик, уларга фақат насиҳат эмас, кўмак ҳам бериш керак. Маҳалладошимиз, қариндошимизни “иродасизликда” айблаб, ташлаб кетиш инсонийликка тўғри келмайди. Зеро, уларнинг тавба қилишлари учун сабаб бўлишимиз мумкин.

Расули акрам соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Уч тоифа одамнинг яхшилиги осмонга кўтарилмайди: қочоқ қулнинг, токи у хўжайинига қайтиб қўлини қўлига қўймагунича; эрини норози қилиб ғазаблантирган хотиннинг, то эри ундан рози бўлмагунича; мастнинг, токи у ўзига келмагунича”**, дедилар (Имом Табароний, Имом Ибн Ҳиббон, Имом Ибн Хузайма, Имом Байҳақий ривояти).

Фарзандга ота-онанинг шахсий ибрати ва тарбиясичалик ҳеч ким таъсир кўрсата олмайди. Уларни ўз вақтида назорат қилишимиз, руҳияти, саломатлиги ва одатларига эътиборли бўлишимиз керак. Акс ҳолда, кеч бўлиши мумкин!

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бундай деганлар: **“Одам боласи вафот этса, унинг амаллари тўхтайди, фақат уч нарса бундан мустасно: садақаи жория фойдаланиладиган илм, ҳаққиға хайрли дуо қилувчи солиҳ фарзанд”** (Имом Муслим ривояти).

**Камола
АДАШБОЕВА**

Узр сўрашни биласизми?

Абу Зар Ғифорий розияллоху анху Билол розияллоху анхуга: “Эй қора хотиннинг боласи...” деди. Билол розияллоху анху ғазаб билан ўрнидан туриб: “Бу гапингни Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламга айтаман”, деди.

Набий алайҳиссалом бу гапни эшитгач, жаҳллари чиқди. Масжидга келиб:

– Эй Абу Зар, унинг онасини ҳақорат қилдингми? Сенда жоҳилият одатларидан бор экан, – дедилар.

У зот алайҳиссаломдан бу сўзни эшитгач, Абу Зар розияллоху анху йиғлаб юборди:

– Ё Расулуллоҳ! Мен учун истиғфор айтсангиз, – дея масжиддан чиқиб кетди.

У Билол розияллоху анхунинг олдида борди. Юзини ерга қўйиб:

– Биродарим, бошимни босмагунингча турмайман. Бос ва мени кечир! Сен покиза, олийжаноб инсонсан, – дея йиғлайверди...

Билол розияллоху анху бундай бўлишини кутмаганди. Бу ҳолдан даҳшатга тушди. Унинг бошини кўтариб, пешонасидан ўпди. Сўнг:

– Аллоҳга қасамки, Раббимга бир бора бўлса-да, сажда қилган бошни асло босмайман! – деди. Кейин Абу Зар розияллоху анхуни бағрига босди. Энг улуғ зотнинг икки буюк саҳобийси бир-бирини қучиб, йиғлаганча хайрлашди.

Бу воқеа биз умматларга ибрат бўлиши керак. Сабаби, “Пушаймонман”, “Янглишдим”, “Мени кечира оласизми?” деган узр

сўрашни ифодаловчи жумлаларни айтиш кўпчилик учун малол келади. Энг ёмони, банданинг кибри сабаб кечирим сўрамаслигидир. Кимдандир узр сўраш тақаббур кимса учун камситилиш, хорлик, ҳатто зулмдек туюлади. Ваҳоланки, адашганини англаб, ҳақсизлик қилган кишисидан узр сўраган одамнинг даражаси кўтарилади. Зеро, айбини тан олиш, ранжитган одам қошида эгилиш – марднинг иши.

“Мени кечиринг”. Бу жумла тўғри ва ўрнида қўлланганида қандай гўзал! Бироқ қайта-қайта қилинган хато ортидан сўрайвериладиган узрнинг қиймати йўқолади.

Узр сўрашнинг катта-кичиги бўлмайди. Кечирим фақат катталардангина сўралмайди. Агар болаамизга ҳақсизлик қилсак, уялмай узр сўрайлик, фарзандларимиз кечирини, кечирим сўрашни ўргансин.

Аллоҳ таолонинг ҳудудларини билиб-билмай босганимизда қалбимиз гуноҳимизни эътироф этишга, тилимиз тавба қилишга қийналмасин, бошимиз машаққатсиз эгилсин. Айбу нуқсонларимизни, ёмон ишларимизни эътироф этайлик, пушаймонимиз самимий бўлсинки, узримизни бандалари қабул қилсин. Тавбаларимиз илоҳий даргоҳда мақбул бўлиб, Аллоҳ таоло гуноҳларимизни мағфират этсин.

Робия МУРТАЗОЕВА,
*Хатирчи тумани “Бўғирдоқ”
маҳалласи отинойиси*



САЛОМИМИЗ гўзал бўлсин!

Ислом шариати бандани одоб-ахлоқда пешқадам бўлишга буюради. Зеро, Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг хулқлари бутун башариятга намунадир. Мусулмон киши ҳар доим – оилада, ишда, одамлар билан мулоқотда билиши ҳамда амал қилиши зарур бўлган одоблар бор. Улардан бири саломлашишдир.

Афсуски, бу суннат ҳозир ёшлар ўртасида унутилаёзгандай. Аксарият тенгқурларимиз ёши улуғ инсонларни кўрганларида саломни ютиб юборадилар.

Имрон ибн Хусойн розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Бир одам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига келиб: “Ассалому алайкум”, деди. У зот алик олдилар. (Ҳалиги одам) ўтирди. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ўнма”**, дедилар. Кейин бошқа бир киши келиб: “Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ”, деди.

У зот алик олдилар. (Ҳалиги одам) ўтирди. Сўнгра у зот: **“Йигирмата”**, дедилар. Кейин бошқа бир инсон келиб: “Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотух”, деди. У зот алик олдилар. (Ҳалиги одам) ўтирди. Сўнгра у зот: **“Ўттизта”**, дедилар» (Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ривояти).

Бундан саломни мукамал айтган ва аликни тўлиқ қайтарган кишилар савобни тўлиқ олишлари келиб чиқади. Ким тўлиқ савоб олишни истаса, “Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотух”, деб салом бериши лозим.

Бугунги кунда қайси бири-миз юқоридаги ҳадисга амал қилипмиз? Салом берсак-да, жуда қўпол хатоларга йўл қўямиз. Баъзилар “Ассалому алайкум!” ўрнига “сома-лекум” сўзини ишлатадилар.

Авваллари кўчада ўзимиздан катталарга салом бермасак, дарҳол бизни тўхтатиб, кимнинг фарзанди эканимизни суриштирар, нега салом бермаганимизни сўраб қийишарди. Бугун катталарга салом бериш у ёқда турсин, бошларини кўтариб йўл ҳам бермай кетувчилар бисёр. Ҳолбуки, бу вази-

ятларда суннатга мувофиқ, “Ассалому алайкум!” десак, олам гулистон. Бемаъни қўшиқлар, кераксиз гап-сўзлар кун бўйи тушмайдиган тилларга, наҳотки, салом бериш оғирлик қилса?!

Автобусда эдим, бекатдан чиққан йигит индамай келди-да, қулоқчинда нимадир эшитаётган ўсмирга бошини секин урди. Ақли заифроқ одам бўлса керак, деб ўйлаб турганимда нариги ўсмир ҳам шу ҳаракатни такрорлади. Ҳайрон қолган жойим шуки, иккови бир-бирига ҳеч нима демасдан, телефонларига термулганча йўлларида давом этишди. Кейин билсам, ҳозир ёшлар шундай саломлашар экан!

Кўпчилик кўришганда “Қалайсан?” ёки “Нима гап?” жумлалари билан бир-бирларини қаршилайди. Бу ҳам дилни хира қиладиган ҳолат. Ваҳоланки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг уммати эканларини даъво қиладилар. Бироқ у зотнинг муборак суннатларига амал қилмайдилар, эргашмайдилар.

Яна аксарият инсонлар салом бериш ўрнига “Hello”, “Hi”, “Привет” ёки бошқа

жумлалардан фойдаланади. Чет тилларини ўрганиш яхши. Лекин суннат ҳисобланган, гўзал маъноси бўлган саломнинг ўрнини бундай сўзларнинг ҳеч бири боса олмайди. “Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотух”, дея салом бериб, ҳам суннатга риоя қилиш савобини, ҳам ҳадисда хушxabари берилган ажрни олиш яхши эмасми?!

Бир тоифа кишилар борки, уларга Пайғамбаримиз алайҳиссалом таълим берганларидек салом бериш кулгили туюлади. Ўзлари бу суннатга амал қилмаганларига яраша жим юрмайдилар. “Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотух”, дея салом берганда алиқ олиш ўрнига истехзо қиладилар. “Домла бўлиб қолибсизми?”, “Қори ака”, “Ўзича сипо бўлиб қолибдимиз?” деган гапларни айтишади. Тинчлик, саломатлик, Аллоҳнинг раҳмати ва Унинг баракаси тиланган гўзал суннат бугун мазахга айланганини қандай изоҳлаш мумкин?!

Мусулмон одам, албатта, мусулмон биродарига салом бериши лозим. Ҳар биримиз ушбу суннатни тирилтиришимиз, атрофимиздагиларга намуна бўлишимиз керак. Тилимизга ярашмайдиган, мўминлик одобига тўғри келмайдиган хунук саломлашишларни тарк этишимиз зарур. Зеро, биздан кейин келаётган авлод, албатта, ушбу суннатдан таълим олиб, ахлоқларини гўзаллаштиради. Зеро, Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳам қиёматда суннاتини маҳкам тутган умматларини шафоат қиладилар. Вассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотух!

Оқила ОЛИМОВА,

*Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти
университети талабаси*

Муаллимнинг тадбири

Бирор куни мактабга можаросиз бормаган, оиласини кўп қийнаган боланинг ҳикояси бундай: “У ўқишга бормаслик учун қўлидан келган ҳар қандай ўжарликни қиларди. Мактабда ҳам шу аҳвол... Бир куни муаллимлардан бири унинг бошини силади ва ўзининг ҳассасини берди. Муаллим:

– Болажоним! Бу менинг ҳассам. Уни ўзинг билан олиб кет. Агар эртага эрталаб уни биринчи сафда ушлаб турсанг, жуда хурсанд бўлардим, – деди.

Бола ўзига билдирилган ишончдан завқланди. Дарсларда яхши ўтирди. Сўнг ҳассани авайлаб, тўғри уйига олиб кетди. Эртаси тонгда ота-онаси ҳайратдан ёқа ушлади. Болакай эрта уйғонган, ҳар кунги одатига хилоф тарзда мактабга эртaroқ бориш учун ҳозирлик кўрарди. Шундай қилиб у дарсларини қилмаса-да, фақат муаллимнинг ҳассасини вақтида етказиб борса-да, ҳеч ким койимади, тергамади...

Кунлар ўтди. Болакай дарсларга қатнашда интизомли бўлди. Секин-аста муаллимнинг эътибори ва меҳридан дарс мобайнида бошқалар ҳам баҳраманд бўлаётганини кўриб, уйга вазифаларини бажаришга киришди. Энди унинг ҳасса кўтариб юришига ҳожат қолмаган эди...”

Болага телефоннинг зарари

Телефон асосан боланинг бош мия тўқималарига зарар қилади. Айрим тадқиқотчилар фикрига кўра, бу зарар орадан 15–20 йил ўтгачгина аниқ намоён бўлади. Шу сабабли улар яқин келажакда бош мия ўсмаси билан хасталанган ёшлар кўпаяди деб ҳисоблашмоқда.

Чунки ҳар куни атиги 15 дақиқа мобил телефонда гаплашишнинг ўзи мияда саратон ўсмаси ҳосил бўлиши учун етарлидир.

Дуолар қўрғони

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда.)

Биласизми?

Таҳорат олиб, масжидга борсангиз, Аллоҳ босган ҳар изингизга биттадан гуноҳингизни кечиради. Шунингдек, ҳар қадамингиз учун жаннатда даражангизни кўтариб, у ерда сиз учун уй қуради.

Масжидга кираётганда ўқиладиган дуо

Ўнг оёғимизни қўйиб, бундай деймиз:

اللَّهُمَّ افْتَحْ لِي أَبْوَابَ رَحْمَتِكَ

“Аллоҳуммафтах лий абваба роҳматик” (Имом Муслим ривояти).

Маъноси: “Ё Аллоҳ, мен учун раҳмат эшикларингни оч”.

ва ла илаҳа ғойрук” (Имом Муслим ривояти).

Маъноси: “Ё Аллоҳ! Сенинг номинг муборақдир. Шон-шаарафинг улуғдир. Сендан ўзга илоҳ йўқдир”.

Рукудаги дуо

سُبْحَانَ رَبِّيَ الْعَظِيمِ

“Субҳана роббиял ға-зийм”.

Маъноси: “Улуғ Раббим покдир” (Имом Аҳмад ривояти). 3 марта айтилади.

Рукудан кўтарилаётганда ўқиладиган дуо

سَمِعَ اللَّهُ لِمَنْ حَمِدَهُ، رَبَّنَا وَلَكَ الْحَمْدُ

“Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ. Роббана ва лакал ҳамд”.

Маъноси: “Аллоҳ Ўзига ҳамд айтувчини эшитди. Раббимиз, ҳамду сано Сенга

Маъноси: “Эй Парвардигоримиз! Сенга қўп, ҳақиқий риёсиз, муборақ, яхшилиги мўл ҳамд(лар) бўлсин” (Имом Бухорий ривояти).

Саждадаги дуо

سُبْحَانَ رَبِّيَ الْأَعْلَى

“Субҳана Роббиял аъла”.

Маъноси: “Сен барча нуқсонлардан покдирсан, эй улуғ



Раббим”.

Ташаххуд дуоси

التَّحِيَّاتُ لِلَّهِ، وَالصَّلَوَاتُ وَالطَّيِّبَاتُ، السَّلَامُ عَلَيْكَ أَيُّهَا النَّبِيُّ، وَرَحْمَةُ اللَّهِ وَبَرَكَاتُهُ، السَّلَامُ عَلَيْنَا، وَعَلَى عِبَادِ اللَّهِ الصَّالِحِينَ، أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ،

“Аттаҳийяту лиллаҳи вассолавату ваттоййибат. Ассаламу алайка айюҳан набийю ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ. Ассаламу алайна ва ғала ғибадиллаҳис солиҳийн. Ашҳаду ан лаа илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан ғабдуҳу ва росулуҳ”.

Маъноси: “(Мол, бадан, тил билан адо этиладиган) ҳамма ибодат Аллоҳгадир. Эй Набий! Аллоҳнинг раҳмати ва баракоти сизга бўлсин. Бизга ва солиҳ бандалар-



Намоздаги зикрлар:

Сано дуоси

سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ، وَتَبَارَكَ اسْمُكَ، وَتَعَالَى جَدُّكَ، وَلَا إِلَهَ غَيْرُكَ.

“Субҳанака Аллоҳумма ва биҳамдика ва табарокасмука ва тағала жаддука

бўлсин” (Имом Бухорий ривояти). Ушбу дуони ҳам ичда айтиш мумкин.

رَبَّنَا وَلَكَ الْحَمْدُ كَثِيرًا طَيِّبًا مُبَارَكًا فِيهِ

“Роббана ва лакал ҳамду, ҳамдан касирон, тоййибан мубарокан фийҳи”.



га Аллоҳнинг саломи бўлсин. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига иқрорман. Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг кули ва элчиси эканига иқрорман”.

Ташаҳхуддан сўнг айтиладиган салавот

اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ، وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ، كَمَا صَلَّيْتَ عَلَى إِبْرَاهِيمَ، وَعَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ، إِنَّكَ حَمِيدٌ مَجِيدٌ، اللَّهُمَّ بَارِكْ عَلَى مُحَمَّدٍ، وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ، كَمَا بَارَكْتَ عَلَى إِبْرَاهِيمَ، وَعَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ، إِنَّكَ حَمِيدٌ مَجِيدٌ

“Аллоҳумма солли ъала Муҳаммадив ва ъала оли Муҳаммад, кама соллайта ъала Иброҳима ва ъала оли Иброҳим, иннака ҳамидум мажид. Аллоҳумма барик ъала Муҳаммадив ва ъала али Муҳаммад, кама барокта ъала Иброҳима ва ъала оли Иброҳим, иннака ҳамидум мажид” (Имом Бухорий ривояти).

Маъноси: “Эй Аллоҳ! Иброҳимга ва унинг оиласи ва умматига раҳмат этганинг каби Муҳаммадга ва унинг оиласи ҳамда умматига ҳам раҳмат ёғдиргин. Албатта, Сен мақтовли ва улуғ Зотсан. Эй Аллоҳ, Иброҳимга ҳамда унинг оиласи, умматига баракот-хайр ато этганингдек, Муҳаммадга ва унинг оиласига, умматига ҳам баракот-хайр ато этгин. Албатта, Сен мақтовли ва улуғ Зотдирсан”.

Юлдуз КОМИЛОВА
таржимаси

Она васияти

Менинг айтганларим сенгадир давлат,
Худо бергай бойлик, бахту саодат,
Рози қилсанг, кирарсан, бордир жаннат,
Дуойимни олиб қолгин, болажон!

Сизларни боқайин деб соч оқарди,
Ўша чиройларим қайга йўқолди?
Қувватим кетдию белларим толди,
Гапларимни тинглаб тургин, болажон!

Фарзандларни эл қатори ўстирдим,
Озми-кўпми, бахту давлат келтирдим,
Кетар вақтим яқинлашди, билдирдим,
Сўзларимга қулоқ солгин, болажон!

Ўғлим, опа-сингиллардан хабар ол,
Мендан кейин кўнгилларини сен ол!
Келганида кўзларига назар сол,
Гапларимни уқиб олгин, болажон!

Умидим бор, фарзандларим ёд этар,
Ота-она руҳларини шод этар,
Насиҳатни олса, муродга етар,
Сўзларимни маҳкам тутгин, болажон!

Оқибатхон ЙЎЛДОШЕВА,
Булоқбоши тумани

Илтижо

Қўлим дуода, тилим зикрда,
Кундуз-кечалар юрдим фикрда,
Ўзинг улуғсан, мен бир фақир-да,
Кечиргин, Раббим, ожиз қулингман.

Ўзни англадим ҳечдан кўра кеч,
Қалбим тугунин, ёлвораман, еч.
Йўқса, мағиз деб юрганларим пуч,
Кечиргин, Раббим, ожиз қулингман.

Матлаб ПЎЛАТОВА,
Бухоро тумани

“Соҳилсиз денгиз”ни ўқиб...

“Соҳилсиз денгиз. Имом Бухорийнинг ҳаёт саҳифалари” китобини анча аввал бир варақлагандим. Ўшанда ўқишим керак экан, дедим-у, фурсат бўлмади. Яқинда эса уни қайта қўлимга олдим ва аввалроқ ўқимганимга афсусландим.



Устоз Аҳмад Муҳаммад Турсун қаламига мансуб ушбу асарда ҳадис илмининг султони Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорийнинг ҳаёт йўллари бадий тарзда у зот ҳақидаги ишончли илмий манбалар, таниқли уламоларнинг асарларига таянган ҳолда ёзилган. Асар ёш Бухорийнинг Бойкандга сафаридан бошланади. Болалик даврига эса иккинчи бўлимда тўхталади. Бўлимга кириш асносида Имом Бухорийнинг отаси – Абул Ҳасан Исмоилнинг ҳадис илми учун кўрсатган жонбозлиги, илмга бўлган эътимоди, олдида қўйган юксак мақсади билан танишамиз. Сўнгра оилада отонанинг гўзал исломий ҳаёт тарзи ва бола тарбиясидаги нозик жиҳатлар моҳирона очиб берилади. Отанинг фарзанд кўргандаги хатти-ҳаракати барча мўминларга ўрнак бўларли: “Жойнамоз со-

либ, қиблага юзланди ва икки ракат шукрона намози ўқиди. Намозни тугатиб, кафтларини дуога жуфтлади: “Сўровчиларнинг барча ҳожатларини билувчи, сукутдагиларнинг ҳамма илтижосини эшитувчи Аллоҳим! Сен буюксан, мен ҳақир, Сен азийсан, мен фақир! Неъматларинг шукронасини қила олмадим, аммо дуоларимни ижобат этиб, фарзанди аржуманд ила сийладинг. Ожизамизнинг бу гал қиз фарзанддан умиди бор эди, фақат Ўзинг биладиган ҳикматинг ила бизни яна ўғилли қилдинг. Икки жонни соғ-омон асраганинг, жигарим парчасини зулматдан ёруғга чиқарганинг учун беҳад ҳамду саноларим бўлсин! Бутун оламларнинг яратувчиси ва хожаси Аллоҳим! Сендан ҳар бир сўровчи учун ато бордир. Менга фарзанд неъматини

ато қилдинг, мен эса уни паноҳингга топшираман. Унинг дунёдаги кунларини нурли, охиратини сурурли қил! Динингнинг чин ихлосмандларидан айла! Розилигингни истовчи муҳиблар сафидан жой бер! Пайғамбаринг суннатида содиқ, у зотни ҳаммадан кўпроқ суювчи мухлислардан қилиб улғайтир!”

Ҳар бир ота-она фарзанди дунёга келганида қилиши керак бўлган амални муаллиф усталик билан бизга ўргатмоқда. Кейинги ўринда келтирмоқчи бўлган парчамизда эса салоҳиятли, илмли ва солиҳ фарзанд тарбия қилишнинг яна бир сирини таълим берилади: “Исмоил безовталана бошлаган чақалоқни онасига тутқазар экан, бирор марта ҳам бетаҳорат эмизмасликни, нифосдан поклангач эса, ҳар гал кўкрак солганда Қуръо-



ни карим тиловат қилиб ўтириш ё ҳадис мутолаа қилишни қаттиқ тайинлади. Жуфтига буларни эслатиш аслида ортиқча ҳам эди. Чунки ҳомиласи аниқ бўлган соатдан бошлаб ҳамиша таҳоратли юришга интилди. Бирор онни Аллоҳнинг зикрисиз, Қуръон тиловатисиз ўтказмади. Ўзини ғийбат-шикоятлардан, лафв сўзлардан тийди...”

Китобнинг давомида эса отасиз қолган икки гўдагининг илми учун ҳаракат қилган онанинг жидду жаҳди, болаларини, эри васият қилганидек, ҳадис илмида моҳир қилиш мақсадида ҳатто машаққатли ҳаж сафарига отланиб, фарзандини илм таҳсили учун устозларга топширгани, онасининг саъйи, қилган дуолари сабабли ёш Муҳаммад ҳадис илми султонига айлангани, юксак инсоний фазилатлари борасида бирма-бир ҳикоя қилинади.

Ушбу китоб ҳар бир ўзбек хонадонида бўлиши лозим. Зеро, болажон халқимиз фарзанди камоли учун яшайди. Уларни солиҳ қилиб тарбиялаш йўли эса ушбу китобда мужассам.

**Нигора
МИРЗАЕВА**

Бир ҳовуч ёнғоқ

Ризвон аянинг мўъжаз ҳовлисида бир неча туп мевали дарахтлар бор. Енгил шабада эсиб турибди.

Ая супага ўтириб, хаёлга чўмди: “Раҳматли чолим экиб кетган дарахтлар! Шунга айтар экан-да, яхшидан боғ қолади деб. Бу дарахтлар соясида набираларим чуғурлашиб ўйнашади, меваларидан ейишади. Аммасининг болаларини интиқлик билан кутишади. Айниқса, Мукарам аммасининг ўғил-қизлари билан яхши ўйнашади...”

Бу йил ёнғоқ мўл ҳосил берди. Ўғли Акбаржон ва келини Лобархон ҳосилни йиғиб, қопларга жойлашарди. Ая ҳовлини кузатаркан, дарахт тагига бориб, хазонлар орасида қолиб кетган ёнғоқларни топиб, бир ҳовуч терди. “Ҳали-замон Мукарамнинг болалари келиб қолади, шуларга бераман”, деб ўйлади. Қайнонасини кузатиб турган Лобар: “Ёнғоқни бизга беринг, қопга соламиз”, деди. Ўғли келиб онасининг ҳовучидаги ёнғоқларни олди. Аянинг кўнгли зил кетди. Ўша заҳоти: “Эй Аллоҳим, боламнинг умрини узун қилгин. Ундан хафа эмасман, розиман, болаларига бош бўлсин”, деб дуо қилди.

Баҳорга бориб, ая оламдан ўтди. Ҳовлига ҳамма йиғилган. Набиралар: “Бувижоним яхши эди. Биз келсак, ёнғоқ, туршак, майиз берар эди...” дея ўзаро гаплашишарди.

Афсуски, бу йилига ёнғоқ ҳосил бермади...

Сахийлик неъматларнинг зиёда бўлишига сабабдир. Икки дунёда фойда кўраман, десангиз, бахиллик иллатидан воз кечинг. Зеро, Аллоҳ таоло сахийликни инсонларнинг энг яхши фазилатларидан санаб, уларга охирада улкан ажр-савоблар бўлиши хабарини берган: **“Аллоҳ йўлида молларини эҳсон қилувчилар (савобининг) мисоли гўё бир донга ўхшайдики, у ҳар бир бошоғида юздан дони бўлган еттита бошоқни ундириб чиқаради. Аллоҳ хоҳлаган кишиларга янада кўпайтириб (савоб) беради. Аллоҳ (карами) кенг ва билимдондир”** (Бақара сураси, 261-оят).

Ойша розияллоху анҳодан ривоят қилинади. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: **“Сахийлик бир дарахтдир, унинг томирлари жаннатда, шохлари эса дунёга тушган. Ким унинг бир шохига осилса, уни жаннатга олиб боради. Бахиллик ҳам бир дарахт, томирлари дўзахда ва шохлари дунёга тушган. Ким унинг бир шохига осилса, уни дўзахга олиб боради”**.

Ҳанифа ПЎЛАТОВА,
Паркент тумани
“Қўрғонтепа” маҳалласи
отинойиси



(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

15. Аллоҳ таолога ибодат қилишга чақириш машаққатига бардош бериш. Пайғамбаримиз алайҳиссалом: *“Мусулмонга бирор-бир чарчоқ ва машаққат, хафачилик ва қайғу, азият ва ғам-ғусса етса, ҳатто бирор тикан кирса ҳам, албатта, Ал-*

бораверади. Унинг ташвиши қучоқ-қучоқ кийим-кечак, мебель ва пардоз-андоз буюмлари бўлиб қолаверади.

Хайрихоҳлик эса сизни мусулмонлар ҳақида дуо қилиш, муаммоларини ҳал этиш, улар учун фаолият юритиш, уларга тааллуқли ҳодисаларга муносабат билдириш, натижали иш кўрсатишингизга ундовчи ташвишдир. Мусул-

ҳожатини раво қилади. Ким бир мўминдан бу дунё машаққатларидан бирини аритса, Аллоҳ таоло ундан қиёмат куни машаққатларидан бирини аритади (Имом Бухорий ривояти).

Мусулмонга дин ишини ўргатишдек савобли иш борми?

Ҳар куни қандай

лоҳ ана шулар эвазига гуноҳларини каффорат қилади”, деб марҳамат қилдилар (Имом Бухорий ривояти).

Аллоҳга ибодат қилишга чақириш ўзига яраша машаққатлидир. Чунки у сизни олдин тафаккур, кейин амал қилишга ундайди. Мана шу машаққат умрингиз лаҳзаларини ажри улуғ амаллар билан ўтказишга ёрдам беради.

Мусулмонларга хайрихоҳ бўлмаган аёл бунинг аксидир. Унинг кун ва йиллари ҳеч бир ўзгаришсиз ўтиб

монларга хайрихоҳлик сизни Аллоҳ таолога яқин қилувчи ибодатдир. У ҳам бошқа ибодатлар кабидир. Палапартиш адо этиш ярамайди.

16. Ислом, мусулмонлар ва барча маконда ислохотчиларга ёрдам бериш савобини умид қилинг. Чунки мақсад битта. Аллоҳ таоло бундай дейди: *“Албатта, Аллоҳ Ўзига ёрдам берганларга ёрдам берур. Албатта, Аллоҳ кучли ва ғолибдир”* (Ҳаж сураси, 40-оят).

17. Мусулмонлар ҳожатини раво қилиш савоби. Бу нарсa уларга дин ишларини ўргатиш ва билимсизликларини кўтариш билан амалга ошади. Пайғамбаримиз алайҳиссалом бундай деганлар: *“Ким бир мўминнинг ҳожатини раво қилса, Аллоҳ таоло унинг ҳам*

Мусулмондан жаҳолат балосини аритишдан буюкрок нарсa борми?

Сиз чорловчи, собира ва савоб умид қилувчи бўлинг.

18. Фасодга бутун борлигингиз билан қарши туриб, унинг олдини олишингиз. Набий алайҳиссалом: *“Ғалаба билан сабр, хурсандчилик билан хафалик, қийинчилик билан енгилик бор”*, деганлар (Имом Бухорий ривояти).

19. Аллоҳнинг ҳузурида зиммангиздаги вазифаларни адо этишдан савоб умид қилишингиз.

20. Аллоҳ таоло сизни роҳат-фароғатда асраганидек, қийинчиликда ҳам асрашини умид қилиш. Набий алайҳиссалом Ибн Аббосга бундай деганлар: *“Аллоҳнинг ҳақларига (Унинг*

буюрганларини қилиб, қайтарганларидан қайтиб) **риоя қилсанг, У ҳам сени** (дунё ва охирадаги мусибатлардан) **сақлайди.** Аллоҳ(нинг ҳақлари)га **риоя қилсанг, Уни рўпарангда** (доимо сенга ёрдам бераётганини) **кўрасан**" (Имом Аҳмад ривояти).

Эҳтиёжманд кунингизда

шингиз, бу йўлда юришингиз Ер юзидаги барча ислохотчиларга ўзаро ёрдамлашаётганингизни англатади.

23. Аллоҳ сизни тўғри йўлга ҳидоят қилишини исташингиз. Аллоҳ таоло бундай дейди: **"Бизнинг (йўлимизда) жидду жаҳд қилганларни Ўз йўлларимизга ҳидоят этурмиз.** Албат-

ва сизга эргашишни бошлайди.

27. Аллоҳнинг ибодат қилишга чақиришга хизмат қилаётган барча аъзоингиз: кўз, кулоқ, тил, икки қўл ва икки оёғингиз ҳаракати савобини умид қилинг. Улар ҳам Аллоҳ таолонинг неъматлари. Улар учун шукр қилиш лозим.

28. Ўзгаларга эътибор

савоб топасиз?

Аллоҳ таоло сизни асраши учун хотиржам ва саломат кунингизда Аллоҳга чақиришда ғайратли бўлинг.

21. Машаққатга сабр қилишнинг ажри. Аллоҳга ибодат қилишга чақириш ишларида давомийлик, кишилардаги билимсизлик ва мухолифларнинг озорига сабр қилиш. Аллоҳ таоло бундай дейди: **"Сабр қилганлари учун уларни боғу роғ ва ипаклар билан мукофотлади"** (Инсон сураси, 12-оят).

22. Яхшилик ва тақво йўлида ўзаро ёрдамлашининг ажри. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: **"Яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилинг"** (Моида сураси, 2-оят).

Аллоҳ таолога ибодат қилишга чақиришни бошла-

та, Аллоҳ чиройли амал қилувчилар биландир" (Анкабут сураси, 69-оят).

24. Вақтни Аллоҳга ибодат қилишга чақириш билан ўтказишнинг савоби. Бунинг учун ҳам ажр оласиз. Бу эса қиёмат кунда: "Умрингни нимага сарфладинг, жисмингни нима қилиб қаритдинг, молингни нимага сарфладинг?" деб сўралганида Аллоҳнинг изни билан ижобий жавоб беришингизга ёрдам беради.

25. Мусулмоннинг камчилигини беркитаётганингиздан савоб умид қилинг. Аллоҳ сизга барака берсин.

26. Аллоҳнинг ибодати-га чақиришда бошқаларга ўрнак бўлинг. Атрофингизни ўраб олган инсонлар бу ишларга тиришқоқлигингизни кўриб таъсирланади

қилишда собит бўлинг. Чунки Аллоҳга даъват қилишдаги амалингиз сизни буюк бир неъмат эканини ҳис эттира бошлайди. Масалан, сиз кўп аёллар бу йўлда куч сарфлашини эшитасиз. Уларнинг ҳолидан хабардор бўласиз. Буларнинг бари сизни Парвардигорнинг неъматларини тааммул қилишга ундайди.

Яна сиз солиҳа аёллар ҳаётидан ҳақиқий намуналарга дуч келсангиз, бу ишларингизни арзимас санайсиз. Қайтанга бу ишларингизга кўпроқ куч сарфлайсиз.

Юлдуз КОМИЛОВА
таржимаси

ЯЗДАЖИРНИНГ ҚИЗЛАРИ

Халифа Умар ибн Хаттоб розияллоху анху даврида мусулмонлар Ироқни фатҳ қилиб, шаҳар аҳли форс мустамлакаси-дан озод қилинди. Ўшанда Форс подшоҳи Яздажир жанг майдонини ташлаб қочди.

Мусулмон қўшини Яздажирнинг мол-мулкини ўлжа ва уч нафар қизини асир олди. Халифа Умар ибн Хаттоб розияллоху анху Ойша онамиздан амираларни меҳмон қилишини сўради. Онамиз қизларга хурмат кўрсатиб, гўзал муомалада бўлди.

Амиралар Набий алайҳиссаломнинг хонадонларида иззат-хурматда яшасалар-да, чўрига айланганлари, исталган вақтда мусулмонлардан бири уларни сотиб олиб, ўзига жория қилишидан хавотирда эдилар. Лекин иш улар ўйлагандек бўлмади...

Али розияллоху анху амираларни Байтулмол ҳисобидан сотиб олиб, озод этди. Нега бундай қилганини сўрашганида: “Исломдан ташқарида иззат-хурматда эдилар. Ислом давлатида хорликда яшашлари тўғри бўлмайди. Қизлар аввал кўрган иззат-икромларини Исломда ортиқроқ даражада кўришлари керак”, деб жавоб берди.

Уч амира ҳамда Ойша онамизнинг холаси Умму Мистох ўртасида дўстлик муносабатлари боғланди. Бир куни амиралар билан Умму Мистох орасида куйидаги суҳбат бўлиб ўтди:

– Нима учун ҳазрат Ойшани “Уммул мўминин” деб чақирасиз?

– Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилган: **“Набий мўминлар учун ўзларидан кўра ҳақлидир. Унинг аёллари эса уларнинг оналаридир...”** (Аҳзоб сураси, 6-оят).

– Биз ҳазрат Ойшанинг кичик ёшида Набий алайҳиссаломга никоҳланганини билдик...

– Бу Аллоҳ таолонинг ҳикмати бўлиб, Набий алайҳиссаломдан кейин узоқ йил яшаб, одамларга у зотнинг феъл-атворлари ва ҳадисларини сўзлаб бериши учун эди.

– Ойшанинг Набий алайҳиссаломдаги энг кўп яхши кўрган нарсаси нима бўлган?

– Онамиз ҳар доим Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламни Ер юзида юрувчи Қуръон эдилар, дерди. Яна у зот алайҳиссалом Аллоҳ таоло васф қилганидек эдилар: **“Албатта, сиз буюк хулқ узрадирсиз”**, дейди (Қалам сураси, 4-оят).

– Биз саййида Ойшанинг

ишидан қаттиқ таажжубдамиз. Узоқ муддат уйда турдик. Лекин бизни Исломга даъват қилмади.

– У сизни сўз билан эмас, феъл-атвори, яхши хулқи билан даъват қилди.

– Дарҳақиқат, асир тушганимиздан буён иззат-хурмат кўрдик. Ҳатто эркимизни қайтариб бердингиз. Исломга кириш учун қандай сўзларни айтиш лозим?

Шу пайт хонага Ойша онамиз розияллоху анҳо кириб келди ва бундай деб ўргатдилар: «Исломни қабул қилиш учун шаҳодат калимасини айтасиз: “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад алайҳиссалом У Зотнинг бандаси ва расулидир”».

Уч амира бирга Исломни қабул қилишди.

Амираларнинг Исломни қабул қилганидан хабар топган ҳазрат Али уларни турмушга беришни режалаштирди. Дастлаб мусулмонлардан бирига никоҳлаб бериш маслаҳати бўлди. Лекин улар амираларни қийнаб қўйиши ёки отаси Яздажирнинг тахтидаги ҳақини талаб қилиб қолишидан хавфсиради.

Али розияллоху анху амираларни улуғ саҳобаларнинг ўғилларига никоҳлаш кераклигини айтди. Шундай қилинса, Ислом-





дан олдин оталарининг саройида кўрган иззат-хурматдан маҳрум бўлмасликларини билдирди.

Шундан сўнг амираларни Муҳаммад ибн Абу Бакр Сиддиқ, Абдуллоҳ ибн Умар ибн Хаттоб, Ҳусайн ибн Али ибн Абу Толиб розияллоху анҳумга турмушга бердилар.

Вақт ўтиб, ушбу уч турмушдан уч ўғил дунёга келди. Муҳаммад ўғлига Набий алайҳиссалом ҳаётликларида вафот этган ўғиллари Қосимнинг исмини қўйди. Абдуллоҳ ибн Умар эса ўғлига Солим, яъни Ҳузайфа ибн Утбанинг озов этган қулининг исмини берди ва отаси Умар ибн Хаттобнинг: “Агар Солим тирик бўлганида ўзимдан кейин халифаликка уни сайлаган бўлардим”, деганини зикр қилди. Ниҳоят, Ҳусайн ибн Али розияллоху анҳу ўғлига Зайнул Обидин дея исм қўйди.

Орадан йиллар ўтиб, Солим ибн Абдуллоҳ ибн Умар, Қосим ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр ва Зайнул Обидин ибн Ҳусайн ибн Али Исломи фақиҳлари бўлиб етишдилар ҳамда бутун дунёга илм ёйган етти Исломи мамлакатининг олимга айландилар.

“Ҳиятул авлиё”,

“Тарихи Бағдод”

ва *“Табақоту Ибн Саъд”*

асарлари асосида

Исмоил НУРИМОН

тайёрлади.

Минг афсус, китоб ўқимай қўйдик! Статистик маълумотлар ҳам шуни кўрсатиб турибди. Аҳолиси энг кўп китоб ўқийдиган давлатлар ўнталигида бирорта мусулмон давлати йўқлиги ачинарли:

10-ўрин: Канада;

9-ўрин: Мексика;

8-ўрин: Бразилия;

7-ўрин: Аргентина;

6-ўрин: Америка Қўшма Штатлари;

5-ўрин: Буюк Британия;

4-ўрин: Италия;

3-ўрин: Испания;

2-ўрин: Россия...

1-ўринда қайси давлат экани-

ри ҳақида ҳар қанча гапирмайлик, ёшларни кутубхоналарга қайтариш қўлимиздан келмаяпти. Бугун барчанинг асосий мақсади осон пул топиш, яхши яшаш бўлиб қолди. Динимизнинг илмга рағбатлантирган хушхабарлари, бу йўлдаги машаққатларга бериладиган ажрлар билан ҳам ўзгариш кам. Шу сабаб миллиардерлар ҳақидаги маълумотни келтиришни лозим топдик. Жилла қурса, тўкин, бахтли ҳаёт илинжида бўлса ҳам, қўлларимиз китоб кўрсин. Онг очилганидан кейин, иншоаллоҳ, савобу гуноҳ ҳақида ўзлари ўқиб олишар, деган умидда!..

Бойлар кўп китоб ўқийдигу. Нега?..

ни тахмин қилаётгандирсиз?! Барча соҳада пешқадамликни қўлдан бермай, жадал ривожланаётган Хитой!

Яна бир маълумотга эътиборингизни қаратмоқчиман. 200 нафар миллионер ўртасида сўровнома ўтказилганида уларнинг 67 фоизи умуман телевизор кўрмаслиги аниқланган. 86 фоизи эса ҳар куни, албатта, китоб ўқир экан, 63 фоизи доимий равишда аудиокитобларни тингларкан. Яъни бугунги дунё “ўлчамлари” билан ўлчайдиган бўлсак, муваффақиятли инсонларнинг асосий машғулоти китоб мутолааси экан.

Бугун китоб ўқишнинг фойдаси, унинг инсон ҳаётидаги таъси-

Хулоса шуки, агар фарзандингизнинг мақсадсиз тентирашини, вақтини бесамар кетказиб, онги паст инсон, бошқаларга хизматкор бўлиб юришини истамасангиз, уларни китоб ўқишга одатлантиринг! Токи миллатимиз юксалсин! Турли мамлакатларда қора ишчи бўлиб эмас, катта-катта компанияларнинг бошқарув ҳайъатларида мусулмон фарзандларини кўрайлик. Асосий гап – аввало ўзимиз китоб ўқийлик! Чунки қуш уясида кўрганини қилади!

Зулайхо СОАТОВА,

Тошкент шаҳар

бош отинойиси



Парҳезшунос олимлар бақлажон қуйидаги шифобахш хусусиятларга эга эканини таъкидлашган:

- танадан кераксиз суюқликнинг чиқиб кетишига ёрдам беради;
- ошқозон-ичакдаги фойдали микроорганизмлар мувозанатини сақлайди;
- паст калорияли бўлгани туфайли вазн ташлашда фойдали;

Бақлажон – танга дармон

– мунтазам истеъмом қилинса, қондаги холестерин миқдорини кескин пасайтиради.

Бақлажон таркибида С, В1, В2, В6, РР каби витаминлар, фолий кислота, кальций, магний, темир, мис, рух сингари микро ва макроэлементлар бор.

Ошқозонности беzi, мия, юрак-қон томир тизими фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Ундан тайёрланган таомлар подагра, қанд хасталигида, янги сиқилган шарбати эса камқонлик, хотира пасайиши, буйрак, пешоб йўли тошини туширишда даво бўлади. Бунинг учун ¼ стакандан кунига икки маҳал ичилади.

Бўғим оғриғида буғланган бақлажон босилиб, иссиқ қилиб ўралади, 3 соатдан кейин ювиб ташлаб, ўсимлик ёғидан суртиб қўйилади.

Милк касалликларида бақлажон пўсти пиширилиб, тенг миқдорда туз билан аралаштирилади, тиш ва милкларга суртилади.



99 дарднинг шифоси



Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бундай деганлар: **«Лаа ҳавла ва лаа қуввата илла биллах»** – **«Аллоҳнинг сақловисиз У Зотнинг маъсиятидан бурилиш йўқ. Ўзининг ёрдамисиз У Зотнинг тоатиға қувват йўқ» дуоси 99 дардга даводир. Бу дардларнинг энг кичиги қалб маҳзунлигидир»** (Имом Табароний ва Ҳоким ривояти).

Али розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтадилар: **«Ким бирор-бир нарсадан маҳзун бўлиб, азият чекса, унинг йўқ бўлиши учун «Лаа ҳавла ва лаа қуввата илла биллах» дуосини ўқисин»**.

Уқба ибн Омир розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам дейдилар: **«Аллоҳ бир бандага неъмат берган бўлсаю, у ушбу неъматнинг ўзида доимий қолишини истаса, қўп-қўп «Лаа ҳавла ва лаа қуввата илла биллах» дуосини ўқисин»** (Имом Табароний ривояти).

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: **«Лаа ҳавла ва лаа қуввата илла биллах»ни кўпроқ айт. Албатта, у жаннат хазиналаридан бир хазинадир»,** дедилар (Имом Термизий ривояти).

Ибн Абу Дунё Асад ибн Вадоъадан ривоят қилган ҳадисда Набий соллаллоху алайҳи ва саллам айтадилар: **«Ким ҳар кун юз марта «Лаа ҳавла ва лаа қуввата илла биллах»ни айтса, унга фақирлик етмас»**.